Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1990 йил 7 февраль
ЧОРШАНБА
№ 32 (4.826).

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1990 йил 5 февраль куни КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми иш бошлади. Пленум муҳокамасига қуйидаги масала киритилди:

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳаси тўғрисида.

Шу масала юзасидан Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев доклад қилди.

Пленум ишида КПСС марказий органлари таркибига кирмайдиган иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка, область ва округ партия комитетларининг биринчи секретарлари, иттифоқдош республикалар Олий Советлари Президиумларининг Раислари ва Министрлар Советларининг Раислари, бир гуруҳ шаҳарлар, районлар партия комитетларининг биринчи секретарлари, йирик бошланғич партия ташкилотлари парткомларининг секретарлари, шунингдек министрликларнинг, марказий идораларнинг, ижодий уюшмалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, олимлар, СССР Қуролли Кучларининг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, мамлакат баъзи кўмир ҳавзаларининг шахтёрлари қатнашмоқдалар.

Музокараларда: Украина Компартияси Қиев шаҳар комитетининг биринчи секретари А. И. Корниенко, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. К. Месяц, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов, СССР Давлат халқ таълими комитетининг раиси Г. А. Ягодин, Ленинград шаҳридаги «Ижорский завод» ишлаб чиқариш бирлашмаси парткомининг секретари Ю. П. Архипов, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Ю. А. Прокофьев, РСФСР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Т. Г. Иванова, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Е.Е. Соколов, Донецк областидаги «Артёмуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Кочегарка» шахтасининг портлатувчи мастери К. Г. Фесенко, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Я. Вагрис, СССР Олий Совети Қурилиш ва архитектура масалалари комитетининг раиси Б. Н. Ельцин, КПСС Шимолий Осетия область комитетининг биринчи секретари А. С. Дзасохов, Украина Компартияси Қиев область комитетининг биринчи секретари Г. И. Ревенко, СССР мудофаа саноати министри Б. М. Белоусов, СССРнинг Польша Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси В. И. Бровиков, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. К. Лучинский, КПСС Ленинград область комитети ва шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. В. Гидаспов, Украина ССР Фанлар академиясининг президенти Б. Е. Патон, Саратов электр агрегат ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта мастери В. А. Шабанов, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Н. Муталибов, «В. И. Ленин номидаги Челябинск трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси парткомининг секретари В. М. Платонов, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети парткомининг секретари И. И. Мельников, КПСС Иваново область комитетининг биринчи секретари М. А. Князюк, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари А. Г. Ковалев, СССР маданият министри Н. Н. Губенко, Қуйбишев областидаги «Прогресс» заводи парткомининг секретари В. В. Козленков сўзга чиқдилар. Пленум материаллари «Правда» газетасида тўла равишда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида баён тарзида эълон қилинади.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳасини пухта ишлаб чиқадиган ва муҳокама этилган масала юзасидан Пленум қарорини тайёрлайдиган Таҳрир комиссияси тузилди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 6 февралда ўз ишини давом эттиради.

* * * * * *

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳасини пухта ишлаб чиқиш Таҳрир комиссиясининг мажлиси тўғрисида

5 февраль куни М. С. Горбачев раислигида Таҳрир комиссиясининг биринчи мажлиси бўлди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПАРТИЯ XXVIII СЪЕЗДИГА ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИ ТЎҒРИСИДА

М. С. ГОРБАЧЕВнинг

1990 йил 5 февралда КПСС Марказий Комитетининг Пленумида қилган доклади

Ўртоқлар, коммунистлар, бутун жамиятимиз зўр қизиқиш ва сабрсизлик билан кутаётган жуда муҳим Пленумга тўпландик, десам фикримга қўшиласиз, деб ўйлайман. Марказий Комитетга КПСС аъзолари ва партиясизлардан, партия ташкилотлари ва комитетларидан, меҳнат коллективларидан, ишчилар ва деҳқонлар, зиёлилар, олимлар, ветеранлар ва ёшлардан таклифлар ва истаклар билдирилган минглаб хатлар келди. Телеграммалар ҳамон келиб турибди. Сизларнинг ўзларингиз ҳам йиғилишлар ва митингларнинг шоҳиди бўлдиларингиз, уларда кўпинча энг долзарб муаммолар турли позициялардан туриб, ўткир ва зўр қизиқиш билан муҳокама қилинмоқда. Бу йиғилишлар ва митингларнинг қатнашчилари ҳам ўз нуқтаи назарларини партия Марказий Комитетига етказишни истайдилар.

Буларнинг ҳаммаси бир-галикда ўзига хос мўъжизадир. Унда жамиятимизда қайта қуриш йўлида, демократиялаш ва ошкоралик шароитида ҳозироқ юз берган ва юз бераётган чуқур ўзгаришлар акс этган. **Ҳозирги пайтда коммунистлар ва мамлакат барча гражданларини ҳаяжонга солаётган нарса — қайта қуриш тақдири, мамлакат тақдири ҳамда инқилобий ўзгартишларнинг ҳозирги, чамаси энг масъулиятли босқичида КПССнинг тутган ўрнидир.**

Жамият КПССнинг позициясини билишни истайди. Бинобарин Пленумимизнинг бутун аҳамияти ҳам шу билан белгиланади. Пленумга тайёргарлик давомида **партия XXVIII съездини ўтказиш муддатлари тўғрисидаги масала** яна олдимизда кўндаланг бўлди.

Ўтган йилнинг декабрида Марказий Комитет съездни ярим йил олдин чақиришни зарур деб топди. Лекин воқеалар шу қадар тез ривожланмоқдаки, бу масалага яна қайтиш керак бўлади. Сиёсий бюро бутун вазиятни баҳолаб, коммунистлар ва партия ташкилотларининг мурожаатларини кўриб чиқиб, сизларнинг муҳокамангизга КПСС XXVIII съездини шу йил июнь ойининг охири ва июль ойининг бошларида ўтказишни таклиф қилади. Бу таклиф Марказий Комитет Пленумида қабул қилинишига ишонамиз.

Бунинг устига, бизнинг фикримизча, съездан олдин партиянинг барча бўғинларида тўла маънода ҳисобот-сайлов кампанияси ўтиши, унда КПССнинг ҳаракат дастури ва янги Устави лойиҳаси кенг муҳокама қилиниши лозим. Етилган кадрлар масалалари ҳисобот ва сайловлар давомида ҳал этилади, партиянинг янги сайлаб қўйиладиган органлари тузилади. Бу эса съездни ўтказиш учун мутлақо бошқача муҳит бўлади.

Ушбу Пленумда КПССнинг съездга ҳаракат дастури лойиҳасини қабул қилишимиз лозим бўлади. Эҳтимол бир ойдан кейин, яхшиси уч ҳафтадан сўнг, ҳар ҳолда шу муддатдан кечиктирмай яна Пленумга тўпланишимиз, унда янги Устав лойиҳасини кўриб чиқишимиз ва уни умумий муҳокама учун эълон қилишимизга тўғри келади.

Съездга тайёргарлик ҳал қилувчи босқичга қадам қўймоқда, дейиш мумкин. Партия съездини ўтказиш муддатини нима учун яқинлаштириш зарур бўлиб қолганлигини ва унинг асосий вазифаси нимадан иборат бўлишини аниқ тасаввур этиш керак. КПСС қайта қуриш ташаббускори бўлди. Қайта қуриш концепцияси ва сиёсатини ўтказиб келмоқда. Шу асосда мамлакатда чуқур инқилобий ўзгартишлар авж олиб кетди ва у турмушнинг барча соҳаларини, аҳолининг барча табақаларини қамраб олди.

Жамиятни янгилаш, социализм имкониятларини рўёбга чиқариш учун йўл очилди. Партия мамлакатнинг етилган эҳтиёжларини ва ҳозирги замон жаҳон тараққиётининг воқелигини назарияда ва сиёсатда акс эттира олди. Авж олиб кетган қайта қуриш доирасида кўламлари ва янгилиги жиҳатидан мислсиз, тез ўзгаришлар бўлмоқда. Бу эса давлат ва жамоат муассасалари олдига, бинобарин КПСС олдига ҳам янги-янги талабларни қўймоқда. Аслида биз ҳозир шундай бир пайтга келдикки, бу пайтда партия қайта қуришнинг ўзи давомида юз берган ўзгаришларни, сўнгги вақтда вужудга келган муаммоларни ҳисобга олиб, ўз сиёсатини тўлдириши лозим.

Бу соҳадаги сусткашлик қолоқликка, ташаббусни қўлдан беришга олиб бориши мумкин, бу эса КПССнинг ўзига ҳам, у бошлаган инқилобий ўзгартишлар тақдирига ҳам шубҳасиз таъсир қилган бўлур эди. Сиёсий бюро масалани шу тарзда қўяр экан, вазиятни қийин қилиб кўрсатмоқчи эмас, ана шу ечимларга фожиали тус бермоқчи эмас. Биз қандай даврда яшаётганлигимизни, қандай вазифаларни ҳал қилаётганлигимизни ниҳоят яхши тушуниб олишимиз, ҳаракат дастурининг лойиҳаси орқали курашимизга янги жўшқинлик бахш этишимиз лозим. Келинглар, Марказий Комитет Пленумида ана шу ҳужжат устида пухта иш олиб борайлик.

Агар партиянинг ўзи тубдан қайта қурилса, ҳозирги шароитдаги сиёсий ишлар санъатини эгаллаб олса, барча қайта қуриш кучлари билан муваффақиятли баҳамжиҳат ҳаракат қила олса, сиёсий раҳнамолик вазифасини бажара олади — бу муаммонинг съезд чақирилишини яқинлаштиришни талаб қилаётган иккинчи томони бўлиб, буни тушуниб етиш ҳам жуда муҳимдир.

Партиянинг иш усулларига, партиянинг ички ўзаро муносабатларигагина эмас, шу билан бирга мафкурага ҳам, тафаккур юритишга ҳам, социализм тўғрисидаги тасаввурларга ҳам ўз муҳрини босган авторитар-бюрократик система билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсадан мусаффо бўлиш зарурлиги — партияни янгилашнинг туб масаласидир. Ҳаракат дастурида бундай дейилади: **бизнинг орзумиз — инсонпарвар, демократик социализмдир.** КПСС ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг манфаатларини ифодалаб, Маркс, Энгельс, Ленининг буюк меросига таяниб, социалистик ғояларни ҳозирги давр воқелигига мувофиқ ҳолда ва йигирманчи асрнинг бутун улкан тажрибасини ҳисобга олиб, ижодий ривожлантирмоқда.

Дастурда биз нималардан воз кечишимиз лозимлиги аниқ-равшан айтилган. Ўнлаб йиллар давомида илдиз отган мафкуравий ақидапарастликдан, ички сиёсатда умри тугаган сийқаликлардан ҳамда жаҳон инқилобий жараёнига, умуман жаҳон тараққиётига эскириб қолган қарашлардан, жаҳон цивилизациясининг умумий тараққиётида социалистик мамлакатларнинг якланиб қолишига олиб келган ҳамма нарсадан, тараққиёт йўлларини ижтимоий жиҳатдан бошқача дунё билан доимий мухолифлик шаклидан иборат деб тушунишдан воз кечиш лозим. Биз омманинг жонли ижодиёти учун қатъий чегара сифатида хизмат қилиши лозим бўлган олдиндан тузиб қўйилган схема асосида социализм қуриш мумкинлиги тўғрисидаги тасаввурлардан воз кечмоқдамиз; бизда халқ оммасининг ҳал қилувчи роли тўғрисида кўп гапирилди, амалда эса социалистик тараққиётнинг ҳақиқатан ҳал қилувчи ана шу кучи менсилмади.

Партияни янгилаш унинг давлат ва хўжалик идоралари билан муносабатда принципиал ўзгариш қилишни, уларга буйруқ бериш ва уларнинг вазифаларини бажаришдан воз кечишни кўзда тутади. Партия демократик куч, деб тан олинган тақдирдагина янгиланиб бораётган жамиятда мавжуд бўла олади ва ўзининг авангардлик ролини бажара олади. Бу — партиянинг мавқеини Конституцияда қонунлаштириб қўйиш орқали тиқиштирмаслик керак, демакдир. Равшанки, КПСС идора этувчи партия мавқеи учун курашаверади, ўз программасини тақдим этиб, уни мунозараларда ҳимоя қилиб, бошқа ижтимоий-сиёсий кучлар билан ҳамкорлик қилиб, омма орасида мунтазам иш олиб бориб, омманинг манфаатлари ва эҳтиёжлари билан яшаб, қандайдир ҳуқуқий ва сиёсий афзалликлардан воз кечиб, демократик жараён доирасида кураш олиб бориш ниятидадир.

Жамиятимизда юз бераётган кенг демократиялаш давомида сиёсий қарашларнинг хилма-хиллиги кучайиб бормоқда, турли ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар вужудга келмоқда. Бу жараён қандайдир босқичда партияларнинг ҳам тузилишига олиб бориши мумкин. КПСС ана шу янги вазиятни ҳисобга олиб ҳаракат қилишга, СССР Конституцияси ва унда мустаҳкамлаб қўйилган ижтимоий тузум заминида турган барча ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга ва мулоқот олиб боришга тайёрдир. Шу билан бирга биз очиқ айтамизки, ҳозирги бурилиш пайтида КПСС жипслаштирувчи, бирлаштирувчи ролини бажаришга, бутун халқ манфаатларини кўзлаб қайта қуриш ривожланишини таъминлашга қодирдир.

Партияни янгилаш уни чуқур, ҳар томонлама демократиялашни, **демократик централизм принципини демократизмга, партия оммасига урғу бериб, қайта идрок этишни кўзда тутади.**

Бундай қилиш яхлит ташкилот бўлмиш КПССни мустаҳкамлашга кўмаклашади, унинг халқ орасидаги обрў-эътиборини оширади. Съездолди ҳисобот сайлов кампанияси давридаёқ, съезд делегатларини сайлаш вақтидаёқ бу соҳада олға томон шахдам қадам қўйилиши керак. Биз партия аъзоларининг бу сайлов ҳақиқатан ҳам сайлов бўлсин, унда коммунистлар, бошланғич партия ташкилотлари ҳал қилувчи роль ўйнасинлар, деган кўпдан-кўп талабларини тўғри, деб ҳисоблаймиз.

Ўртоқлар! Биз келгуси давр вазифаларини таърифлаганда нималарга асосландик, амалдаги қандай воқеликларни назарда тутдик. Агар кенг миқёсда гапирадиган бўлсак, олға томон ҳаракат қилиш учун жуда катта имкониятлар билан айни бир вақтда амалий хавф-хатар ҳам борлиги жамиятнинг ҳозирги ҳолатига хос хусусиятдир. Униси ҳам, буниси ҳам бор.

Имкониятлар борлигининг сабаби шуки, қайта қуриш жараёнлари ривожлана бориб, халқнинг қудратли куч-ғайратини юзага чиқармоқда. Халқ эркин нафас ола бошлаганлиги, шу туфайли миллион-миллион совет кишилари гражданлик қадр-қимматига эга бўлиб, давлатни идора қилишни ўз қўлларига ола бошлаганликлари шу пайтгача қайта қуришнинг энг муҳим натижаси бўлди. Ҳаракат дастурида ҳам шу фикр қайд этилган. Бу тенденция кучайиб бораверади. бу эса охир оқибатда, асло саросимага тушиш учун баҳона эмас, балки партия бошлаган бутун иш муваффақиятининг гаровидир. Янги иқтисодий, сиёсий структураларни вужудга келтириш ва шакллантириш жараёни давом этмоқда. Бу ҳам халқнинг фаоллиги, турмушнинг барча соҳаларида қайта қуриш жараёнларини авж олдириш ва чуқурлаштириш учун қулай муҳит яратади.

Шу билан бирга, биз қайта қуриш йўлидан олға борар эканмиз, мамлакат бошига тушган танглик илгари тахмин қилиш мумкин бўлганидан кўра анча чуқурроқ ва жиддийроқ эканини пайқаб олдик. Рўй бераётган кўпгина воқеалар ҳам шу билан изоҳланади. Ижтимоий организм ичида неча ўн йиллардан бери йиғилиб ётган муаммолар ва зиддиятлар ошкор бўлиб қолди, афсуски, қайта қуриш даврида янглишишлар ва хатоларга йўл қўйилди. Бу ҳам вазиятни чигаллаштиради. Ҳозир вазиятга ижтимоий кескинлик ва хавотирлик хос бўлиб турибди. Лоқайдлик ва ҳафсаласизлик аломатлари пайдо бўлди. Зиддиятли бўлса ҳам, аммо амалдаги вазият мана шундай. Вужудга келган қийинчиликларни рўкач қилиб, мавжуд муаммолардан, меҳнаткашларнинг қаноатланмаслигидан ўз ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланиб қолишга уринадиган авантюрачилар ҳам топилиб қолиши мумкинлиги хавфи бор, партия буни эътиборга олиши керак. Сўнгги кунларда ҳам шундай хавф-хатар нишоналари кўриниб турибди.

Муайян довдираш, мағлубиятчилик ва тугатувчилик кайфиятлари сезилмоқда. Бу ҳам партия учунгина эмас, шу билан бирга бутун жамият учун ҳам катта хавфдир. Биз айрим кишилардан: гўё ҳаддан ошиб кетилди, социалистик тузумнинг таг заминига ҳамла қилинмоқда, шу сабабли гўё қийинчиликлардан чиқишнинг эски тартибларга қайтишдан бошқа иложи йўқ, деган гапларни эшитяпмиз. Бошқалардан эса, аксинча, гўё социалистик тузумнинг имкониятларини намоён этишга қаратилган ислоҳотлар мағлубиятга маҳкум, мамлакатни қутқариб қолишнинг бирдан-бир иложи капитализмга ўтишдан иборат, деган гапни эшитяпмиз.

Агар гап фақат мавҳум назарий баҳслар ёки сиёсий доиралардаги мунозаралар ҳақидагина бораётганида эди, бу ҳақда гапирмаса ҳам бўлар эди. Аммо бундай бузғунчилик мулоҳазалари жамиятга тарқалиб, кўп кишиларни йўлдан оздирмоқда, сиёсий муҳитга салбий таъсир қилмоқда, қайта қуриш жараёни боришининг тўғри истиқболини кўришга халақит бермоқда. Биз шуни пайқаб олишимиз керак: ҳам консерватив, ҳам сўл радикал тарздаги сиёсий йўлларнинг ойдинлашиш жараёни жадаллашди. Шу боисдан ҳам, ўртоқлар, ҳозир — яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиманки — партия Марказий Комитетининг равшан сиёсий йўл-йўриқларни кўрсата оладиган, жамиятнинг барча соғлом кучларини революцион ўзгартишлар мақсадлари ва вазифалари теварагида жипслаштира оладиган ҳаракат дастури ҳаётий зарурдир.

Социализмни янгилаш йўлида совет жамиятининг яқин орадаги ва истиқбол вазифаларини ҳал этишга ёндашув таклиф этилаётган ҳаракат дастурининг ўзаги эканига эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Биз 1917 йилнинг октябрида танлаб олинган йўлга, социалистик ғояларга содиқ бўлиб қоламиз, аммо уни ақидапарастларча тушунишдан воз кечамиз, одамларнинг реал манфаатларини схема тарзидаги тизмаларга қурбон қилишдан бош тортамиз. Тез орада мўъжиза рўй беради, деган ҳар қандай хом хаёллар ва пуч ўйларга берилмай, ижтимоий адолат қоидасини қадам-бақадам рўёбга чиқариш вазифасини қўямиз. Ўтмиш хурофотларини ва ҳар хил мафкуравий тақиқларни рад этиб, бошқа жамиятларда, уларнинг иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасида, сиёсий турмушида, ишлаб чиқаришни ва турмушни ташкил этишида, фан ва техникасида, маданиятида, маънавий ва ақлий ижодиётида мавжуд бўлган ҳамма қимматли тажрибалардан фойдаланиб шундай қилмоқчимиз.

Эҳтимол, сизлар ҳаракат дастурининг тузилиши хусусиятига эътибор бергандирсиз. Инсон ва унинг бахт-саодати бундан буён ва абадул-абад партия сиёсатининг марказига қўйилишини, социалистик йўлдан қилинадиган ҳаракатнинг муваффақиятлари аввало шу мезон билан ўлчанишини материалнинг жойлаштирилишидаёқ кўрсатиш биз учун принцип жиҳатдан муҳим, деб ўйладик. Ҳаракат дастуридаги фикрларнинг баёни совет кишисининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларидан, шахс эркинлигидан бошланади.

Гражданларнинг ҳуқуқларидан кейин одамларнинг маънавий дунёсини бойитишга, жамиятнинг маълумотлилиги ва умумий маданиятини оширишга тааллуқли тадбирлар мажмуини қабул этиш зарурлиги таъкидланганига ҳам ўртоқлар эътибор бердилар, деб ўйлайман. Афсуски, тараққиётнинг бу омили бирмунча вақтдан буён бизда иккинчи ўринга тушиб қолган эди, гўё саноатнинг ўсишига оид рақамларга қўшимчадек қаралар эди. Мана шунинг оқибатида жиддий орқада қолиб кетилди. Ҳали узоқ вақтгача бунинг азобини тортамиз. Информатика асрида билим доирасининг ва ижодий тасаввурнинг кенглиги энг қимматли капитал эканини биз деярли ҳаммадан кейин тушундик. Бой берилган имкониятларнинг ўрнини қоплаш учун ҳозир илм-фанга, маорифга, маданиятга, санъатга — инсонни улуғлайдиган ва айни вақтда унинг меҳнат унумдорлигини оширадиган ҳамма воситаларга маблағни аямаслик керак.

(Давоми иккинчи бетда).

М. С. ГОРБАЧЕВ доклади

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Истиқбол масалалари билан бир қаторда дастур лойиҳасида мамлакатнинг ҳозирги аҳволи билан боғлиқ бўлган долзарб вазифалар қўйилган. Бу — принципиал жиҳатдан муҳимдир. Биз тангликнинг ривожланиш чўққисидан 1989 йилда ўтиб олишни умид қилган эдик, аммо яхшилик сари ҳозирча бурилиш рўй бермаганини сўнгги вақтдаги воқеалар кўрсатди. Ўтган йилги хўжалик ривожининг яқинда эълон қилинган якунлари иқтисодиётда рўй бераётган жараёнлар зиддиятлилигини яна бир бор кўрсатди. Бир томондан бир қанча кўрсаткичлар бўйича бирмунча ўсиш сезилмоқда— иш ташлашлар, миллатлараро можаролар, интизомнинг пасайиши ва хўжасизлик оқибатида анча нарсадан маҳрум бўлинишига қарамай, шундай натижаларга эришилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари кўпроқ ишлаб чиқарилди. Иккинчи томондан биз истеъмол бозори тобора издан чиқаётганини, тақчилликлар ва навбат кутишлар кўпайиб бораётганини, сўмнинг харид қуввати пасайиб бораётганини кўриб турибмиз. Пинхона иқтисодиёт ишбилармонлари ва жиноий унсурларнинг фаоллиги вазиятни мушкуллаштирмоқда.

Озиқ-овқат соҳасидаги аҳвол совет кишиларининг айниқса катта норозилигига сабаб бўлмоқда. Бу соҳада масалани кескин қилиб қўймоқ керак. Биз янги аграр сиёсатни ишлаб чиқдик, март Пленумида шу сиёсат учун овоз бердик. Уни озиқ-овқат танглигидан чиқишнинг амалий йўлини кўрсатадиган илғор сиёсат деб баҳолаяпмиз. Пленум ерда хўжалик юритишнинг хилма-хил усулларидан фойдаланишдаги ҳар қандай чеклашларни бекор қилиш кераклигини айтганлиги энг муҳими бўлди. Кўпгина коллективларнинг тажрибаси асосида мана шундай хулосага келинди. Бир қанча областлар озиқ-овқат бозоридаги аҳволни яхшилаб олишга эришди. Шундай бўлса-да, мамлакат миқёсида жиддий бурилиш рўй бермади. Бунинг сабаби шуки, жойларда ҳали кўп кишилар хўжалик юритишнинг эски ёндашувлари ва усуллари таъсиридан қутила олмаяптилар. Тўғри, ресурслар, техника етишмаяпти, тўғри, бошқача миқёсларда ва бошқача суръатлар билан ижтимоий ўзгартишларни олиб бормоқ керак. Буларнинг ҳаммаси — ҳақ гап. Бироқ қишлоқдаги ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуришни диққат марказига қўйиш керак. Ҳозир бутун иш аввало марказдаги ва жойлардаги кадрларимизнинг позициясига бориб тақалмоқда. Бу — хўжалик масаласи эмас, балки сиёсий масаладир. Деҳқоннинг йўлидаги ҳамма тўсиқларни олиб ташлаш, унга тўла эркинлик бериш керак. Ҳаракат дастури лойиҳасида масала айни шу тарзда қўйилмоқда.

Озиқ-овқат — истеъмол бозорини нормал изга солиш муаммосининг фақат бир қисми. Шу сабабли лойиҳада молиявий аҳволни ва пул муомаласини соғломлаштириш, сўмнинг харид қувватини мустаҳкамлаш тадбирлари комплекси яқин икки йилдаги энг муҳим вазифа тарзидаги унинг аҳамияти таъкидланган.

Тўғри, бизда бу масалаларнинг икир-чикирига кириб бориш нақадар мақсадга мувофиқлиги хусусида мунозара бўлди. Ҳар ҳолда биз партиянинг ҳаракат дастури ҳақида, сиёсий йўл-йўриқлар тўғрисида гап юритяпмиз, шу сабабли ҳукуматнинг халқ депутатлари Съездида кўриб чиқилган дастурида баён этилган гапларни такрорлашга ҳожат бормикан? Принципиал йўл-йўриқлар бу масалаларни бамисоли ютиб юборгандек бўлди. Бироқ бу масалалар шу қадар ўткирки, одамлар муайян аниқликни топа олмагач, норози бўлишлари мумкин. Шу сабабли фикрлашиб олиб, бу хусусда муайян бир тўхтамга келмоқ керак.

Назаримда, шу пайтгача бу масалада бизда қатъийлик етишмади, буни эса бартараф этиш лозим. Гап, жумладан, етишмай турган энг муҳим бўғин ҳақида —нарх белгилаш системаси ҳақида бормоқда, мана шу бўғин сабабли бутун иқтисодий ислоҳот юришмай турибди. Бу муаммони ҳал этишни жадаллаштириш зарур. Партия принципиал позицияда турибди: нарх белгилаш ислоҳотини шундай ўтказиш керакки, бу нарса аҳолининг, айниқса кам таъминланган табақаларининг турмуш даражасига таъсир қилмайдиган бўлсин.

Ўтакетган хўжасизлик иллатларига ортиқ тоқат қилиб бўлмайди. Кредитларнинг ҳаддан ташқари паст даромад фоизи белгилаб қўйилган шароитда уларнинг самарадорлигига умид боғлаб бўладими? Бизда белгилаб қўйилган даромад фоизлари ҳеч қаерда, дунёнинг бирор мамлакатида йўқ. Бу фоизларнинг пастлиги сабабли ҳеч ким кредитларни қайтариб беришга интилмайди, чунки улар аслида ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Шу боисдан кредитлар иш бермаяпти, сўм ишламаяпти. Бундай қилиш ярамайди!

Халқ хўжалигидаги товар-материал запаслари ҳар йили бир неча миллиард сўмлик миқдорида кўпайиб бораётганлигига йўл қўйиб бўладими? Корхоналардаги нормативдан ортиқча запаслар 200 ва 240 миллиард сўмга етганини айтмоқдалар! Айни вақтда бутун мамлакатда ресурслар етишмаяпти, деб шовқин-сурон қилинмоқда. Бунинг устига бозорда энг оддий моллар етишмаяпти. Демак, корхоналарни керагича миқдорда ресурсларга эга бўлишга ва ортиқчасидан халос бўлишга рағбатлантирадиган восита ҳам йўқ.

Қурилишлар ҳаддан ташқари чўзиб юборилаётган бир пайтда иқтисодий ислоҳотнинг муваффақиятига умид боғлаб бўладими? 1990 йилги план лойиҳаси муҳокама қилинаётган пайтда Госплан вакиллари капитал қурилиш жабҳасини бундан ортиқ қисқартириб бўлмайди, деб ҳавас қилгудек зўр қатъият билан исботлаганликлари эсимизда. Ўтган йилнинг бир ўзида нормативдан ортиқча чала қурилишлар 20 миллиард сўмлик миқдорида кўпайиб, миллий даромад ўсган қисмининг 4/5 қисмини ўз домига олди. Бинокорлик материаллари бозоридаги тақчиллик кучли бўлиб турган, савдо ташкилотларининг илтимослари эса, ҳатто камайтирилган ҳисоб-китобларга қараганда ҳам уч миллиард сўмлик миқдорда қондирилмаган бир пайтда мана шундай аҳвол рўй бериб турибди. Ҳолбуки гап бевосита товар обороти ҳақида, аҳолининг қўлидаги пул ресурслари тўғрисида бормоқда.

Мен ресурсларни тежаш, маҳсулотни асраш ва қайта ишлаш, иккиламчи чиқитлардан фойдаланиш ва шу каби соҳалардан олинган мисоллар билан фойдаланилмаётган имкониятларнинг мана шу рўйхатини узайтиравериши мумкин. Бу соҳалардаги исрофгарчилик миқёси бундан ҳам катта. Бу аҳволга энди мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Биз иқтисодиётимизнинг мана шу зўрайиб кетган дардларидан олға бориш йўли билангина, иқтисодий ислоҳот доирасида, хўжалик ҳисоби муносабатларини жорий этиш орқалигина қутилишимиз мумкин. Буйруқлар бериш йўли билан бир амаллаб қамчилаб олиш йўлидаги ҳамма уринишлар аллақачоноқ мағлубиятга маҳкум, ўн йиллардан бери иш бермай қўйган, ўртоқлар. Ҳозир эса мутлақо иш бермайди. Халқ хўжалигини идора қилишнинг барча бўғинларида, барча меҳнат коллективларида ишнинг мана шу соҳаларида ҳаракат қилишнинг аниқ-равшан режалари бўлиши керак.

Ўртоқлар, жамиятимиз миллатлараро муносабатлар соҳасида вужудга келган ва совет федератив давлатининг келажагига дахлдор бўлган бир қанча мураккаб муаммолардан чекаётган ташвиш иқтисодиёт соҳасидаги ташвишдан оз эмас. Биз бугун муҳокама қилинаётган ҳужжат лойиҳаси устида ишлар эканмиз, миллий масала юзасидан 1989 йил сентябрь Пленумида қабул этилган ҳаракат дастурига таяндик.

Миллий масалага оид ҳаракат дастури федерациямизни ўзгартириш учун илк негиз бўлиб хизмат қила олади, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, кейинги вақтларда юзага келган янгиликни ҳисобга олишга ҳаракат қилдик. Съездолди ҳаракат дастурида совет федерациясининг шартнома принципини янада ривожлантириш мумкинлиги ва зарурлиги таъкидланади. Бунда гап аслида федератив алоқаларнинг турли шакллари яшайвериши имкониятини очадиган ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш ҳақида бормоқда. Биз Совет давлатининг яхлитлиги ва бирлигига риоя этган ҳолда миллий турмуш укладларининг хилма-хиллиги, ранг-баранглиги тарафдоримиз.

Кейинги вақтларда ҳаммамизнинг миллий муносабатлар соҳасидаги ишларнинг аҳволи ва кучайиб бораётган жараёнлар хусусида жиддий ўйлашимизга имкон бўлганини англаб турибман. Федерациянинг имкониятларини қандай қилиб намоён этиш, шу мақсадда қандай қадамлар қўйиш лозимлиги хусусида соғлом изланишлар билан бир қаторда мамлакатда жуда катта ташвишга сабаб бўлган, муносиб равишда баҳоланиши ва хулоса чиқарилиши керак бўлган анчагина ҳодисалар ҳам содир бўлди. Назаримда, бу соҳада вазминлик ва масъулият билан ҳаракат қилиш нақадар муҳимлигини партияда ва жамиятда англаб олиш катта қийинчиликлар билан бўлса-да, фикрлар тўқнашуви шароитида шаклланиб боряпти. Айирмачилик, миллатчилик, айниқса экстремистлик шиорлари ва даъватлари нималарга дучор қилиши мумкинлиги, улар одамлар, халқлар учун, умуман давлатимиз учун қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тобора яхшироқ англаб олинмоқда.

Биз миллатчиликка, шовинизмга, айирмачиликка қарши кураш каби масалаларда принципиал бўлишимиз керак. Шундай иш тутганда, айни вақтда миллий соҳадаги муаммолар тўқиб чиқарилган эмас, балки амалда мавжуд бўлган муаммолар эканини, бу муаммоларни қайта қуриш йўлларида ҳал қилиш лозимлигини тушунмоқ керак. Иттифоқ билан республикаларнинг ҳуқуқ доирасини аниқ белгилаб қўйиш, уларнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини амалда мустаҳкамлаш, миллий автономияларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш юзасидан қарорлар нақадар тезроқ қабул этилса, одамлар янги совет федерациясининг жуда катта афзалликларини амалда шу қадар тезроқ кўрадилар.

Дарвоқе, турли-туман айирмачилар, шовинистлар, миллатчилар буни яхши тушуниб, халқларнинг миллий ўзлигини англаши ўсганидан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланиб қолишга шошилмоқдалар. Уларнинг нияти равшан: уларнинг олисни кўзловчи мақсадларини йўққа чиқариши мумкин бўлган қайта қуришга илдамроқ зарба уришни кўзламоқдалар. Бинобарин, бу масалаларда соддадил, гўл бўлиш ярамайди.

Кейинги вақтларда бу нарса Озарбайжондаги ва Арманистондаги воқеаларда айниқса яққол намоён бўлди. Ҳозир илдизлари олис ўтмишга томир ёйган можаронинг бутун тарихини муфассал баён этишга ҳожат бўлмаса керак. Фақат муаммонинг принципиал жиҳатигагина эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Тоғли Қорабоғ можаронинг марказига тушиб қолди.

Ана шу автоном областни иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожлантиришда жиддий муаммолар тўпланиб қолди ва ёдингизда бўлса, Марказий Комитет билан ҳукумат шу муаммоларни ҳал этиш учун катта тадбирларни амалга оширдилар. Вазиятни яхшилашга умид боғлаш мумкин эди, мана шу қийин аҳволдан чиқишга ишонч пайдо бўлди. Бироқ айни шундай истиқбол ҳар иккала республикадаги ва Тоғли Қорабоғ автоном областидаги муайян кучларга манзур бўлмади. Қайта қуриш мақбул бўлмаётган, демократиялаш ва ошкораликдан чўчиётган кишиларга қонун ҳам мақбул бўлмаяпти. Мен бунда пинҳона иқтисодиёт вакиллари — миллатлараро адоват алангасини ҳар хил йўллар билан авж олдираётган ва миллий уйғониш шиорлари остида давлат идораларига тазйиқ ўтказаётган чинакам мафия тўғрисида гапиряпман.

Ҳар иккала республика маъмурлари ва партия органлари тазйиққа ён босиб, бирин-кетин ўз мавқеларини қўлдан бой берганликлари уларни обрўсизлантириб қўйди, албатта. Афсуски, Озарбайжон ва Арманистон зиёлиларининг кўпгина вакиллари ҳам вазиятни тўғри баҳолаб, рўй бераётган воқеанинг ҳақиқий сабабларини аниқлай олмадилар ва воқеаларнинг боришига ижобий таъсир кўрсата олмадилар. Айни пайтда эса қайта қуришга қарши бўлган, порага сотилган кучлар раҳбарликни қўлга олиб, алданган одамларнинг ҳаракатини нотўғри йўлга солиб юборишга муваффақ бўлдилар.

Шуни айтишим керакки, кейинги икки йил ичида Москвада ушбу масаладан кўра бунчалик кўп эътибор берилган масала бўлмади, дейиш мумкин. Марказнинг дастлабки позицияси шундан иборат бўлдики, Тоғли Қорабоғ теварагидаги можаро ғолиблар ҳам, мағлублар ҳам бўлмайдиган тарзда бартараф этилиши зарур эди. Акс ҳолда яна адоватлар ва зўравонликлар рўй бериши, қурбонлар ва маҳрумликлар бўлиши муқаррар эди. Зотан, биз вазият энг кескинлашган пайтларда ҳам шу тариқа ҳаракат қилдик. Шунга қарамай, воқеаларнинг боришида бурилиш ясашга муваффақ бўлинмади. Ўтган йилнинг охирида ҳар иккала республика ҳокимиятининг олий органлари мураккаб бир вазиятда аҳволни янада кескинлаштириб юборган қарорлар қабул қилдилар. Иш шунга бориб етдики, республикалар чинакам ўзаро уруш ёқасига келиб қолдилар. Ҳар иккала томондан қуролли гуруҳларнинг тўқнашуви, қурол-яроғларни босиб олиш, қўшинлар ва тартибни сақловчи органларга ҳужум бошланди, темир йўл ва автомобиль йўлларини қамал қилиш кучайди. Бокуда тўс-тўполон чиқарган кимсаларнинг хатти-ҳаракатлари айниқса шафқатсизлиги билан ажралиб турибди. Дастлаб Тоғли Қорабоғда ва баъзи чегара районларида, сўнгра эса Бокуда фавқулодда ҳолат жорий этилмаганида, ҳозирнинг ўзидаёқ ўнлаб эмас, балки минглаб ва ўн минглаб кишиларнинг қони тўкилган бўлур эди. Мана, аслида, гап нима ҳақида боряпти.

Рўй берган воқеани тўла таҳлил этиш ушбу Пленум вазифасига кирмайди, аммо ҳозирнинг ўзидаёқ бу борада оддий изоҳлар ва енгил-елпи ечимлар бўлмаслигини айтиш лозим. Энг муҳим сабоқ шундан иборатки, миллатлар ва миллатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг барча масалалари қайта қуриш, жамиятни янгилаш, демократик мулоқот йўлида ҳал этилиши зарур.

Куч билан, жазолаш, халқни қўрқитиш ва ҳокимиятга тазйиқ ўтказиш усуллари билан ҳаракат қилишга уринишлар — шундан келиб чиқадиган барча оқибатлари билан бевосита бошбошдоқликка олиб борадиган йўлдир. Мамлакатнинг ҳар қандай регионида воқеаларнинг бундай ривожланиши эҳтимолига барҳам бериш учун барча ишларни қилиш зарур.

Партия, совет, давлат органлари, кадрларимиз ва зиёлиларимизнинг роли қанчалик катта ва масъулиятли эканлиги янада яққол бўлиб қолди. Принципиал позициялардан четга чиқиб, қолоқ кайфиятдагилар орқасидан бораётган ёки ҳатто миллатчилик таъсирига берилаётган кишилар сиёсий ҳаётдан четда қолиб кетиши равшандир. Кадрларимизнинг принципиал позициясигина муҳим бўлиб қолмай, балки уларнинг одамларни тўлқинлантираётган амалий муаммоларни ҳал этиш қобилияти ҳам катта аҳамиятга эгадир. Биз ана шу икки республикада қайта қуриш жараёнлари қанчалик қийин ва оғир кечаётганлигини биламиз. Миллатчи кучлар одамларни ўзларига эргаштиришга муваффақ бўлганликлари унинг асосий сабабларидан биридир. Бу борада биз бош қотирадиган муаммолар бор. Марказ республикаларда қайта қуришнинг боришига самарали таъсир ўтказиш, унинг тарафдорларини қўллаб-қувватлаш учун ўзининг бутун имконияти ва нуфузидан фойдаланмаган кўринади.

Кўрилган қатъий ҳаракатлар туфайли катта фожианинг олдини олишга муваффақ бўлинганлигини юқорида айтиб ўтдим. Кўп минглаб кишилар хавфсизлигига таҳлика солинган эди ва бу қабул қилинган қарорларнинг асосий сабабидир. Бироқ гап яна шундаки, миллатчи, Советларга қарши гуруҳлар конституцион тузумга ошкора ҳамла қилдилар, ҳокимиятни қўлга олмоқчи бўлдилар, демократия эмас, балки қўпол кучга таянган ашаддий миллатчилик диктатурасини ўрнатишга уриндилар. Бу амалда айни зўрлик билан тўнтариш қилишга уриниш эди. Бунинг учун барча структуралар, энг аввало ҳарбий структуралар тайёрлаб қўйилган эди. Баъзи сиёсий кучлар Озарбайжон халқ фронтининг ана шу қисмини рўкач қилишга уринаётган бўлсалар, бу уларнинг ўзлари ҳам қандай мақсадни кўзлаётганликларидан далолат беради.

Биз ана шу фожиали кунларда ўзларининг ёр-биродарларидан жудо бўлган ва ўзлари азият чеккан барча арманлар, озарбайжонлар, руслар ва бошқа миллат кишиларига ҳамдардлик билдирамиз. Партия ва Совет ҳукумати қочоқларнинг қайғусини енгиллаштириш ва уларнинг нормал турмушга қайтишларига ёрдам бериш учун имкони бўлган барча ишларни қиладилар.

Совет Армияси ҳамда Ички ишлар министрлигининг солдатлари ва офицерлари халқ олдида юксак масъулият туйғусини, мардлик, сабр-матонатни намоён этдилар ва бу билан қон тўкилиши авж олиб кетишининг олдини олдилар. Минглаб кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолдилар, регионлари вазиятни осойишта ҳолга келтириш учун замин яратдилар. Эндиликда асосий иш ҳар иккала республиканинг халқларида, уларнинг партия ва давлат раҳбарларида қолган. Нормал турмуш қанчалик тез йўлга қўйилиши ва фавқулодда ҳолат бекор қилиниши уларнинг ҳаракатларига боғлиқдир. Тоғли Қорабоғ муаммолари—ҳеч бўлмаганда кечиктириб бўлмайдиган, биринчи галдаги муаммолар ва унинг теварагида вужудга келган муаммолар конституцион принципларга, жумладан, Озарбайжоннинг яхлитлигига сўзсиз риоя этилган ҳолда тезроқ ҳал этилиши учун барча ишларни қилиш зарур, албатта.

Ўртоқлар! Қайта қуриш учун кураш мантиқи бизни янги катта қарорлар қабул қилишга олиб келди. Яқин вақт ичида СССР Олий Совети мулк тўғрисида, ер, маҳаллий ўз-ўзини бошқарув ва маҳаллий хўжалик, солиқ системаси, Иттифоқ ва республикалар ваколатларини белгилаб қўйиш тўғрисида қонунлар ҳамда бошқа муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилади. Республикаларда ва жойларда ҳокимият органларини тузишни ўз ичига оладиган сиёсий ислоҳотнинг иккинчи босқичи бошланди. Янги совет федерациясининг реал қиёфаси намоён бўла бошлади. Аслида бутун сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмушимизнинг янги шакллари, янги системага эга бўлган ҳокимият органлари ташкил топмоқда. Ҳар томонлама демократиялаш ва ўзини ўзи бошқарув асосларини ривожлантириш ана шу ҳокимиятга хос хусусиятлар бўлади.

Жамият ҳақиқатан ҳам сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтмоқда. партия онгли равишда бошлаган ва шубҳасиз, ижобий самаралар берадиган жараёнлар, биз илгарироқ гувоҳи бўлганимиздек, беқарорлик, бошқарувнинг сусайиши, марказдан четлашиш майлларидан мустасно қилинган эмас. Шуни айтиш керакки, жамиятда бу нарса ҳозирданоқ сезилмоқда, одамлар бундай ҳолатларни англаб етмаяптилар ва хавотирланмоқдалар. Ҳозир стратегик вазифалар нуқтаи назаридан қараганда ва ҳозирги реал воқеаларни ҳисобга олганда қайта қуриш жараёнлари муттасиллилигини таъминлаш, уларнинг муқаррарлигига янада мустаҳкам кафолат бериш ва айни пайтда структурага зид тенденцияларга чек қўйиш, жамиятни янгилашни қийинлаштираётган ва унга тўсқинлик қилаётган барча нарсаларга барҳам бериш мақсадида ҳокимиятнинг юқори бўғинида кучларни қайта жойлаштириш зарурати туғилмоқда. Гап иқтисодиёт ва одамларнинг хавфсизлиги, тартиб ва интизомга дахлдор бўлган миллатлараро муносабатлар соҳасидаги жараёнлар тўғрисида бормоқда.

Шуни қўшимча қилиш керакки, бу масала ҳозирнинг ўзидаёқ кенг муҳокама қилинмоқда. Одамлар қонун чиқарувчи органларнинг ролини ошириш, партия ва давлат идораларининг ваколатларини белгилаб қўйиш мақсадида амалга оширилаётган ишларни маъқулламоқдалар. Айни пайтда зарур бўлган жойларда дадил ҳаракатлар етишмаётганлигидан ошкора норозилик билдирилмоқда. Қайта қуриш сиёсатини амалга ошириш учун барча зарур ваколатларга эга бўлган президент бошқарувини ташкил этиш тўғрисидаги масала ўртага қўйилмоқда. Ҳаракат дастури лойиҳасида табиийки, бу ҳақда қисқа гапирилган, фақат ҳеч кечиктирмай ҳаракат қилиш зарурлиги таъкидланади. Бу муаммо Марказий Комитетнинг мазкур Пленумида муҳокама қилиниши керак, деб ўйлайман. Биз қайта қуришни авж олдиришни, у билан боғлиқ режалар амалга оширилишини хавф остига қўйишга ҳаққимиз йўқ.

Ҳозир сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотнинг бошқа масалаларига тўхталмайман. Бу масалалар жамланган бўлсада, аммо ҳаракат дастури лойиҳасида етарли даражада тўлиқ баён этиб берилган. Улар XIX партия конференцияси қарорлари руҳида ва албатта, жамиятимиз ўтган вақт ичида тўплаган тажрибани ҳисобга олган ҳолда ифодалаб берилган. Демократиялаш, ҳуқуқий давлатни ва ўз-ўзини бошқарадиган социалистик жамиятни барпо этиш тараққиётимизнинг бош йўналиши бўлиб қолади.

Ўртоқлар! Ҳаракат дастури лойиҳасида, табиийки, қайта қуришнинг халқаро жиҳати тўғрисида, бизнинг ташқи сиёсий стратегиямизни белгилаб берадиган дунёга ҳозирги нуқтаи назардан қараш ҳақида гапириш албатта зарур эди. Совет Иттифоқининг халқаро ишларда ўтказаётган ва янгича фикрлашга асосланган йўли партия XXVII съездида янада рағбатлантирилди, ташқи дунё билан алоқалар характери ўзгарганлигига қараб янада кенг ҳажмли, конкрет тусга эга бўлди, амалда ўз ифодасини топди.

Бу йўлнинг асос ва принциплари 1988 йилнинг охирида Бирлашган Миллатлар Ташкилотида баён этиб берилган эди. Янги ташқи сиёсат бутун халқ номидан халқ депутатлари Съезди ва Олий Совет ҳужжатларида қонун йўли билан мустаҳкамлаб берилди.

Ҳаракат дастури лойиҳасида ҳозирги вақтдаги ва яқин келажакка мўлжалланган халқаро фаолиятнинг барча йўналишларига оид вазифалар белгилаб берилади. Шу тариқа, биз XXVIII съездга тайёргарлик даврида ўзимизнинг янги, чинакам қайта қуришга хос ташқи сиёсатимизни тасдиқлаймиз. Бу сиёсат бутун дунёда кенг қўллаб-қувватланиб, эътироф этилди ва ҳозирдаёқ халқаро вазиятда сезиларли даражадаги соғломланишга олиб келди. Айни шундай сиёсат бизнинг ички эҳтиёжларимизга мос келмоқда, Совет давлатининг халқаро позицияларини ва обрў-эътиборини мустаҳкамлаб, бутун дунёда маданий муносабатлар шаклланишига имконият яратиб, инсониятни ўз тараққиётининг тинч даврига яқинлаштирмоқда.

Ҳозирги вақтда биз учун энг муҳими — қуролсизланишга доир музокара жараёнини олға силжитишдан, халқаро тараққиётнинг ҳал қилувчи соҳаларида мулоқот ва ҳамжиҳатликни чуқурлаштиришдан, Европа хонадонини барпо этиш йўлидаги дастлабки ташаббусларни авж олдириш ва мустаҳкамлашга бутун чоралар билан кўмаклашишдан ва унинг доирасида Шарқий Европа мамлакатлари билан иттифоқчилик муносабатларини такомиллаштиришдан иборат. Шарқий Европа мамлакатлари бундай муносабатларга ҳақиқатан ҳам муҳтождирлар. Бундай ёндашувни ана шу мамлакатларнинг янги раҳбарлари тушуниб кутиб олмоқдалар ва шунга жавобан ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳаракат дастури лойиҳасида КПССнинг хавфсизлик масалаларига, мудофаага принципиал ёндашувлари баён этиб берилади ва ҳарбий соҳада ҳам ислоҳотни амалга ошириш зарурлиги айтилади. Ҳозир мен масаланинг бир-икки жиҳатлари тўғрисида гапирмоқчиман. Биз музокаралар доирасида вужудга келган вазиятни ҳисобга олиб, бундан буён ҳам қуролсизланиш йўлини ўтказиш ниятидамиз. Халқаро вазиятга реал баҳо бериб, унинг ривожланишидаги ижобий жиҳатларни ҳам, шунингдек мавжуд хавф-хатарни ҳам ҳисобга оламиз. Тўғри, кейинги йилларда жаҳондаги вазият яхшиланди, бироқ ҳарбий хавф-хатар ҳали сақланиб қолмоқда, Америка Қўшма Штатлари ва НАТОнинг мудофаа доктриналари ва концепциялари ўз кучини сақлаб қолаётганлиги билан бирга уларнинг армиялари ва ҳарбий бюджетлари мавжуд. Шунинг учун бизнинг яхши тайёргарликдан ўтган ва жиҳозланган қуролли кучларимиз бўлиши зарур. Қуролли кучларимизни такомиллаштириш, уларда қайта қуришни амалга ошириш билан бирга уларни комплектлаш принципини ҳам ўзгартириш, умуман уларни ташкил этишга зўр масъулият билан, жаҳондаги вазият ўзгараётганлигини назарда тутиб ёндашиш лозим.

Қўшинлар ва қурол-яроғлар қисқартирилаётганлиги ва эҳтимол, яна қисқартирилиши муносабати билан баъзи масалалар пайдо бўлди. Хусусан, бу иш мамлакат мудофаа қобилиятини сусайтириб қўймайдими, деган хавотирлик билдирилмоқда. Афтидан, қуролли кучларни қисқартириш ва қайта қуриш мудофаа, мустаҳкам мудофаа учун оқилона зарур даражадаги принципга қатъиян мувофиқ тарзда амалга оширилаётганлигини кўрсатиб берувчи қўшимча изоҳлар керак.

Бир қанча ижтимоий муаммолар, айниқса ҳарбий хизматчиларни ва запасга бўшаган ёки истеъфога чиққан кишиларни уй-жой билан таъминлаш, уларни ишга жойлаштириш ўткир бўлиб турибди. Мудофаа министрлигининг бир ўзи уни ҳал эта олмайди. Ҳукумат масалаларнинг ўткирлигини бирмунча пасайтирадиган бир қанча қарорлар қабул қилди, бироқ афтидан, офицерларни ва уларнинг оилаларини кейинги вақтда ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаганликни сезишдан халос этиш учун ҳали кўп иш қилиш талаб этилади. Мазкур қарорлар бажарилишига эришиш зарур. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини, шунингдек запасга бўшатилган офицерлар ва прапоршчикларни ижтимоий жиҳатдан таъминлашнинг тармоқ программасини ҳам тайёрлаш ва тасдиқлаш лозим.

Яна бир жиддий масала. Бу масала оммавий ахборот воситаларида армия ва флот ҳаётини ёритишга тааллуқлидир. Мақолалар ҳаққоний, Совет Армиясига, солдатлар ва офицерларнинг армия сафидаги ишига нисбатан ҳурмат руҳида бўлиши даркор. Биз армияга қарши тарғибот ишларини маъқуллай олмаймиз. Халқимиз унга йўл қўймайди ва рози бўлмайди. Аммо бу армиямиз фаолияти масалалари жамиятда демократик тарзда муҳокама қилиниши зарурлигини рад этмайди.

Ўртоқлар, мен ўз нутқимнинг дастлабки қисмида жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида қайта қуриш шароитида партиянинг жамиятдаги ролини қайта англашга, партия, давлат ва хўжалик органлари ўртасида ваколатларни чегаралашга тааллуқли далил-исботларни баён этган эдим. Шу нарса равшанки, мана шу муҳим масала юзасидан Марказий Комитетнинг позициясини қайд этиш зарур. Аммо биз принципиал жиҳатдан қараганда ҳаракат дастурида партияни янгилашнинг ундаги қайта қуришга тааллуқли бўлган жиҳатларини ҳам четлаб ўтолмаймиз. Бусиз партия ҳозирги шароитда ўзининг авангард сиёсий куч сифатида ўз имкониятини рўёбга чиқара олмайди. Лойиҳада шу хусусда бир қанча таклифлар бор. Партия ички турмушига тааллуқли барча жиҳатлар Уставда кенгайтирилган тарзда баён этиб берилиши керак, албатта. Шунга қарамай, КПССнинг янги вазифаси тўғрисида гап борар экан, ҳаракат дастурига ҳам асосий қоидаларни киритиш лозим.

Партиянинг ўзини қайта қуришнинг асосий ғояси — бу ҳақда яна бир бор гапирмоқчиман, ўртоқлар, — **партия оммаси ҳокимиятини қарор топтиришдан** иборат. Шу муносабат билан биз бошланғич партия ташкилотларининг ролини, жумладан, партияга қабул қилиш ва ундан чиқишга, аъзолик бадалларидан фойдаланишга, партиянинг сиёсий авангард сифатидаги янги вазифаси билан боғлиқ вазифаларни ва бошқа кўпгина вазифаларни рўёбга чиқаришга тааллуқли ролини янгича тушунишимиз керак бўлади. Район, шаҳар бўғинининг роли янгича тушунилиши, уларнинг ҳуқуқлари анча кенгайтирилиши лозим. Биз барча даражалардаги партия органларини шакллантириш системасига ҳал қилувчи сўзни коммунистлар айтишини таъминлайдиган ўзгаришлар киритишимиз керак.

Сайловнинг ҳам Уставда мустаҳкамлаб берилган янги самарали механизми зарур. Биз бу хусусдаги таклифлар партия қурилиши масалалари комиссиясида муҳокама қилинганидан кейин Марказий Комитет аъзоларига, Пленум қатнашчиларига топширилиши тўғрисида келишиб олдик.

Бўлажак Уставда юқоридан қуйигача сайлаб қўйиладиган барча органлар коммунистлар ва аппарат — сайлаб қўйиладиган органлар назоратида бўлиши ва уларга ҳисоб бериб туриши тўғрисида аниқ-равшан айтиб қўйилган бўлиши даркор. Партиянинг ички турмуши, унинг фаолияти КПСС аъзоларига мунтазам, системали равишда партия сиёсатини шакллантириш жараёнида қатнашишларига имкон бермаслиги тўғрисидаги масала бизни аллақачондан бери ташвишлантириб келмоқда. Бу хусусда кўп марта гапирилган, айтганларидек, яхши истаклар хусусида камчиликлар йўқ. Аммо бу ғояни рўёбга чиқариш учун айни қандай механизмни вужудга келтириш зарурлиги тўғрисида ҳамон пухта ўйлаб кўрилмаган. Бу партия янги Уставини тайёрлаш чоғида съездолди мунозарасида муҳокама қилиш зарур бўлган муаммоларнинг биридир.

Мен масалани дастлабки тарзда қуйидагича ўртага қўйган бўлур эдим — коммунистларнинг юқори органлар, то Марказий Комитет ишигача таъсири уларнинг ана шу органларга ўз вакилларини, ўзлари ишонадиган, қайта қуришнинг чинакам раҳбарлари, фаол курашчиларини юбориш имконияти қанчалик реал таъминланишига ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади. Биз партиянинг сайлаб қўйиладиган барча органларида, жумладан КПСС Марказий Комитетида илғор ишчи ва деҳқонларнинг партиядаги энг фаол, машҳур вакиллари бўлиши зарурлигини айтишимиз даркор ва мен бунга аминман. Иккинчиси. Партия, жумладан Марказий Комитет ва уни сайлаб қўядиган органлар раҳбарлари фаолиятининг ошкоралиги шу пайтгача бўлганига қараганда кенг кўламда таъминланиши керак. Шундай қилинганда коммунистлар ҳақиқатан ҳам ленинча ибора билан айтганда ҳамма нарсани билишлари ва ҳамма нарса ҳақида онгли муҳокама юритишлари, хулосалар чиқаришлари, таклифлар киритишлари мумкин.

Биз партия органларига у ёки бу регионда ижтимоий ривожланишнинг турли муаммолари юзасидан ўз ҳаракат дастурларини ишлаб чиқиш имкониятини бериш йўли билан ҳам коммунистларнинг сиёсатни шакллантиришдаги реал иштирокини кенгайтирамиз, деб ўйлайман. Ишни шундай олиб бориш лозимки, коммунистлар ана шу ҳужжатларни тайёрлашда, уларни муҳокама этишда ва қабул қилишда реал қатнашиш имкониятига эга бўлсинлар.

Партия демократияси муаммолари шулар билан чекланмайди, албатта. Баъзи мулоҳазаларни айтар эканман, съездолди мунозараси чоғида ана шу муаммоларни чуқур таҳлил этишга эътиборни қаратишни истар эдим.

Ҳаракат дастури лойиҳасида олий партия идораларининг структурасини ўзгартириш тўғрисида таклиф бор. Бунда гап янги номлар билан янгиланишга тайёргарликдан далолат беришидан иборат эмаслиги тушунарлидир. Таклифларнинг моҳияти — партиянинг юқори, раҳбар бўғинларида демократизм омилини кучайтиришдан, айни пайтда — ишлаб турган коллективлар сифатида уларнинг фаолияти учун яхши шарт-шароит яратишдан иборат.

Хусусан, партия Марказий Комитети аъзолари сонини нима учун қисқартириш керак? — деб сўрашлари мумкин. Келинглар, шу масалани муҳокама қилайлик. Биз энг аввало Марказий Комитетни доимий ишлайдиган органга айлантириш зарурлигига асосландик. Аслида, мамлакатдаги ҳокимият партия-давлат системасининг ифодаси бўлган Марказий Комитетни шакллантиришнинг устун даражадаги лавозим принципидан четга чиқиш даркор. Буларнинг ҳаммаси Марказий Комитетнинг партия ташкилотлари билан доимий алоқасини мустаҳкамлашга кўмаклашади, деб ўйлаймиз. Чунки бундай алоқа кўпинча аппарат орқали эмас, балки Марказий Комитетнинг сайлаб қўйиладиган аъзолари орқали амалга оширилади. Бунинг устига уларнинг деярли ҳаммаси Марказий Комитетнинг у ёки бу комиссияси ишида қатнашиб, амалда умумпартиявий даражадаги сиёсий арбобларга айланадилар.

Бу борада марказий партия аппарати тўғрисида ҳам гапириш ўринлидир. Партия ролининг ўзгариши билан сифат жиҳатидан бошқа аппарат ҳам зарурлиги равшандир. Бундай аппарат тўла маънода Марказий Комитетнинг ёрдамчиси бўлиши, қатъиян унинг назорати остида иш кўриши зарур.

Марказий Комитетнинг кейинги йиллардаги иш тажрибаси унга табиийки, Уставга мувофиқ муайян доирада чеклашларга қатъий амал қилган ҳолда ўз составини қўшимча равишда тўлдириш ҳуқуқини беришни тақозо этади. Айни пайтда бундай ҳолатга КПСС Марказий Комитети аъзолигига номзодлар бўлишини тугатиш таклиф этилади.

Мен ҳаракат дастури лойиҳасида ўртага қўйилган бошқа масалаларга тўхталмайман. Сиёсий бюро биз биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, коммунистларни, барча совет кишиларини тўлқинлантираётган долзарб масалаларга жавоб берадиган шундай ҳужжатни ишлаб чиқишимизга асосланади. Бу билан мамлакатдаги қайта қуриш жараёнларига янги қудратли ижобий омил бахш этилади.

Ленин ошкоралик ҳақида

Ошкоралик. Бу сўз ҳозир жаҳондаги барча халқларнинг тилларида янграмоқда.

Ошкораликсиз, демократиялашни кенг амалга оширмасдан, сўз ва иш бирлигисиз турмушимизнинг барча жабҳаларини қайта қуриш мумкин эмас.

«В. И. Ленин ошкоралик ҳақида» тўплами босмадан чиқди. Совет давлати асосчисининг тўпламга киритилган фикр-мулоҳазалари мураккаб ва қийин муаммоларни ҳал этишга ошкора ва принципиал ёндашувнинг намунасидир. Бугунги кунда, деб таъкидланган эди КПСС XXVII съездида, ошкораликка фақат биргина, ленинчасига ёндашув бўлиши мумкин: коммунистларга доимо ва ҳар қандай шароитда ҳақиқат керак.

Тўпламдаги мақолаларда В. И. Лениннинг Коммунистлар партияси турмуши ва фаолиятида, ижтимоий ҳаётда, айниқса, инқилобий тангликлар даврида, жамиятнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатига ўтиш мураккаб босқичида ошкораликнинг моҳиятини ва асосий вазифаларини тушунишга имкон берадиган фикрлари, хулосалари, тавсиялари келтирилган.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарди.

(ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИДА МУЗОКАРАЛАР

Музокараларни бошлаб берган Украина Компартияси Киев шаҳар комитетининг биринчи секретари А. И. **Корниенко** Киевдаги Артём номидаги ишлаб чиқариш бирлашмасининг коммунист ишчиси ўртоқ Игнатенко митинглардан биридан кейин М. С. Горбачевга юборган мактубидан парчалар ўқиб берди: «Мен кўп йиллик стажга эга бўлган коммунистман. Митинг минбаридан гапиришга журъат этиб унинг қатнашчиларини оқилона иш тутишга очиқчасига ва партиявий руҳда даъват этишга уриниб кўрган эдим. Аммо менинг овозим ҳуштаклаб ва ваҳшиёна ҳақоратлар орасида эшитилмай қолди. Ҳамма ёқдан бақириқлар, коммунистларни жисмонан йўқ қилишга чақириқлар эшитилди. Мен шу қадар даҳшатга тушдимки, ҳозиргача ўзимга келолмаяпман. Бузилиб бораётган давлатимизда нималар бўлаётир, ахир? Биз қаёққа боряпмиз? Михаил Сергеевич, умуман мамлакат раҳбарлари вақт ўтказмасдан социалистик давлат тақдири устида, ҳалол меҳнат аҳлининг тақдири устида жиддий ўйлаб кўриш ҳамда сира кечиктириб бўлмайдиган жиддий тадбирлар кўриш пайти келмадими? Худо кўрсатмасин, вақтни қўлдан бой берсак, социализмнинг не-не машаққатлар билан эришилган ютуқларидан маҳрум бўлиб қолишимиз мумкин. Бунинг учун халқ сизни ҳеч қачон кечирмайди».

Кейинги пайтларда оддий кишиларнинг мурожаатларида мамлакатимиздаги социализмнинг тақдири ҳақида астойдил ғамхўрлик руҳи билан суғорилган бундай фикрлар тез-тез эшитилиб турибди, деди нотиқ. Тўғри, кўпчилик ҳолларда ана шундай хатларга маҳаллий партия ва совет органлари ишидаги нуқсонлар ва камчиликлар конкрет сабаб бўлмоқда. Аммо улар устида Марказий Комитетнинг, ҳукуматнинг ҳар бир аъзоси, бугунги Пленумнинг ҳар бир иштирокчиси ўйлаб кўриши керак.

Меҳнаткашлар эндиликда КПСС Марказий Комитетига, унинг Сиёсий бюросига, маҳаллий партия органларига қайта қуриш йилларида йўл қўйилган хатолар учун, қайта қуриш жараёнига раҳбарликда етарли даражада изчиллик, қатъият кўрсатилмаётганлиги учун, жамиятни ривожлантиришга оид бир қатор мураккаб масалалар юзасидан позициянинг йўқлиги учун жиддий таъналар айтмоқдалар. Улар қайта қуришнинг ўтган беш йили мобайнида жавоб олиш имкони бўлмаган кўпгина масалаларга Пленум жавоб беради деб кутмоқдалар.

Нотиқ ҳаракат дастурининг таклиф қилинган лойиҳасини таърифлаб, шуни айтдики, унинг қоидалари новаторлик тусида бўлиб, давримиз руҳига монанддир. Бу гап аввало жамиятда ўзини ўзи бошқаришни демократиялаш ва ривожлантиришга, инсонга муносабатга, шахс эркинлигини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратишга, ташқи сиёсат фаолиятида янгича тафаккурни қарор топтиришга таалуқлидир.

Айни вақтда ҳаракат дастури лойиҳасининг кўпгина қоидаларини чуқур таҳлил қилиш ва жиддий мулоҳазадан ўтказиш керак. Бу гап аввало партияни янгилаш ҳақидаги бўлимга тааллуқлидир. Аммо Киев шаҳар партия комитети биринчи секретарининг фикрича, бу бўлим узуқ-юлуқ чиққан, партияни қайта қуришнинг яхлит концепцияси берилмаган. Бўлимга анча қўшимчалар киритиб, кенгайтириш, балки алоҳида ҳужжат сифатида қабул қилиш мақбул бўлур эди.

КПССни қайта қуришнинг туб масаласи — унинг янгиланаётган жамиятимиздаги ўрни ва роли ҳақидаги масала эканлиги таъкидланди. Конституцияда ёки қонунларда белгиланган қандайдир кафолатлар ёрдамида партиянинг раҳбарлик ролини таъминлаш мумкин эмас, албатта. Бу маънода КПСС юридик жиҳатдан бошқа сиёсий кучлар билан тенг ҳуқуқли бўлиши керак. Иккинчи томондан эса совет жамияти ривожланишининг мантиқи ва тарихи партиямизга алоҳида ўрин ажратиб берди. Ҳокимият монополияси маъносида эмас, балки социализм тақдири учун тарихий масъулият маъносида алоҳида ўрин ажратди. Ҳозир социалистик идеалларни изчиллик билан ҳимоя қила оладиган бошқа куч йўқ. Шу муносабат билан нотиқ лойиҳадаги тезисга, яъни КПСС бошқа ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар билан бир қаторда давлат ва жамоат ишларини бошқаришда иштирок этади, холос, деган тезисга қўшилмаслигини айтди. Аксинча, демократик жамиятда иложи бўлган барча воситалар билан жамиятдаги ўз авангардлик, жипслаштирувчилик роли учун курашиш зарур.

Ҳаракат дастурида партиянинг ғоявий-тарбиявий ролига жиддий ёндашув йўқлиги ташвишга солади. Биз фикрлар хилма-хиллигини эълон қилиб, барча идеологик таъсирлар учун очиқ жамиятга эга бўлдик. Аммо бундай шароитда партия одамларнинг ақли ва қалби учун янада кўпроқ қатъият билан курашмоғи лозим. Ҳозир оммани ким дунёқараш, маънавий идеологик жиҳатдан ўзига эргаштиради, деган савол энг асосий савол бўлиб қолди. Ахлоқий фазилатлар қадрсизланиб бормоқда, маънавиятсизлик, жиноят, бебошлик авж олмоқда. Бу гап айниқса ёшларга тааллуқли. Биз эса нима қилаяпмиз? Бундан қутилиш йўлини динни тарғиб қилишдан излаяпмиз. Наҳотки Маркс, Энгельс, Ленин ғоялари бизга керак бўлмай қолган бўлса?

Партия яхлит идеологик ҳаракат дастурига эга эмаслиги тобора равшан бўлиб қолмоқда. Коммунистлар мутлақо ҳақли савол қўймоқдалар: Нима учун партия, унинг Марказий Комитети баъзан мудофаа позициясини эгаллаб, фикрлар хилма-хиллиги шароитида ўзининг аниқ нуқтаи назарига эга эмас, нима учун биз ғоят катта интеллектуал имкониятга эга бўла туриб назарий жиҳатдан заифлигимизни сезяпмиз, нима учун ашаддий радикаллар дунёдаги биринчи пролетар партиясини йўлбошчисини гўё у муносиб бўлмаган шоҳсупадан ағдариб ташлаш, марксизм-ленинизмни ҳам, социализм ғоясининг ўзини ҳам ҳаётий қобилиятидан маҳрум бўлган деб эълон қилиш йўлидаги уринишларини зўр бериб сезмасликка олаяпмиз? Нима учун Болтиқбўйи, Фарғона, Тбилиси, Кавказортидаги воқеаларга ўз вақтида сиёсий баҳо бермаяпмиз, нима учун ташаббусни бошқаларга бериб қўяяпмиз?

Марказий Комитет ҳозирги пайтда қандай кучларга ишонч билан таяниш кераклигини унча аниқ тасаввур қилмаяпти, деган тасаввур ҳам вужудга келмоқда. Ҳаракат дастури лойиҳасида жамиятни революцион янгилаш йўлида жипслаштириш вазифаси мутлақо тўғри қўйилган. Лекин шу нарса ҳам мутлақо равшанки, муайян кучлардан қатъият билан ажралиш ва бу ҳақда очиқчасига гапириш керак.

КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари **В. К. Месяц**га сўз берилади. Марказий Комитетнинг ушбу пленуми, деди нотиқ, КПСС учун, қайта қуриш иши учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатдаги вазият ғоят мураккаб: Ҳалол меҳнат, уюшқоқлик, интизом ҳозир қандайдир кейинги ўринга суриб қўйилди. Ҳамма ўз эътиборини давлатнинг унча бадавлат бўлмаган бюджетини устомонлик билан тақсимлашга, камчил озиқ-овқат ресурсларини, баъзан ишлаб топилмаган даромадларни устомонлик билан тақсимлашга қаратаётир. Лекин бу тақсимот тобора мураккаблашиб бораётир-ку, ахир. Ҳамма можароларимиз, жамиятдаги кескинлик, партия ва совет органларига очиқдан-очиқ ишончсизлик ана шундан келиб чиқаётир.

Жамиятимиз икки йўлдан бирини танлаб олиши керак: у ё беқарорлик ва анархия, социал ларзалар йўлидан боради, ёки барча соғлом кучларни бирлаштириб социализмни бузилишлар ва айнишлардан тозалаш, уни демократия ва инсонпарварлик принциплари асосида янгилаш йўлидан олға ҳаракат қилади.

Москва область партия ташкилоти иккинчи йўл тарафдоридир. 356 мингдан ортиқ коммунист ва партиясиз қатнашган кенг кўламдаги мунозаралардан кейин биз ўз позициямизни қайта қуришни чуқурлаштириш ва амалга ошириш юзасидан тузган ҳаракат программамизда баён қилдик. Область партия ташкилоти марксизм-ленинизм позициясида мустаҳкам туришини, партиянинг жамиятда етакчи роль ўйнаши учун курашишини қатъият билан айтди. Биз аминмизки, ҳозирги пайтда халқни бирлаштира оладиган, уни ўтиш даврининг қийинчиликларини бартараф этишга отлантира оладиган, мамлакатни тангликдан қутқара оладиган КПССдан бошқа куч ёки ижтимоий ҳаракат йўқ. Афсуски, бу асосий қоида КПСС Марказий Комитетининг XXVIII съездга ҳаракат дастури лойиҳасида акс этмаган. Нотиқнинг фикрича, ҳужжатда янгиланган социалистик жамият қурилишида янгиланган партиянинг роли ва ўрнини аниқроқ белгилаш зарур, чунки асос бўлувчи қоидаларнинг ноаниқлиги уларни амалга оширишнинг таъсирчан механизми бўлмаган ҳамда ҳозироқ тузилган кўпдан-кўп турли ҳаракатлар, уюшмалар, бирлашмалар, фронтлар ва ҳоказоларнинг мавжудлиги шунга олиб келадики, партия ўзини йўқотиб қўяди ва сиёсий йўлнинг чеккасига чиқиб қолади.

Ҳаёт тез ўзгариб бораётган вазиятни ҳисобга олиб, партиявий иш услуби ва методларини тубдан қайта қуришни, ўз кучларини қайта гуруҳлаштиришни, назарий ва амалий негизни янги амалий ғоялар ва йўл-йўриқлар билан тўлдиришни қатъий талаб қилмоқда. Партиянинг авангардлик роли илдам ташаббус, ишларнинг реал натижалари билан доимо мустаҳкамланиб туриши керак. Бусиз КПСС ўз обрўсини, ўзининг етакчилик мавқеини тиклай олмайди.

Москва областининг коммунистлари юқори партия комитетлари билан жойлардаги партия ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қатъиян ўзгартирилишини, уларни кўпроқ ҳуқуқлар билан таъминлашни, партияга қабул, унинг сафидан чиқариш, ташкилий структураларни такомиллаштириш, партия бадалларидан фойдаланиш, сайлаб қўйиладиган органлар ва уларнинг аппарати фаолиятини контрол қилишга оид партия ички масалаларини ҳал этишда мустақиллик берилишини талаб қилмоқдалар. Аммо агар биз партия кадрларининг ёмонотлиқ қилинишига қарши, қайта қуришда партия ролининг камситилишига қарши қатъий курашмасак, партия ичидаги турмушни анча жонлантира олмаймиз, партиявий ишни янги сифат даражасига кўтара олмаймиз.

Ҳозир коммунистлар тўғридан-тўғри мана бундай савол бермоқдалар: нима учун КПСС Марказий Комитети, партия комитетлари мудофаа позициясида турибдилар, сафсатабозларга ва сохтакорларга нима учун муносиб зарба бермаётирлар, нима учун чўнтагида партия билети бўлгани ҳолда партия йўлига қарши чиқаётган кишилар билан муроса қилаётирлар? Кимнинг ким эканлигини аниқ белгилаш ва очиқ айтиш пайти келди! Ким ҳақиқатан ҳам қайта қуриш тарафдори, ким эса ошкораликдан ўз гуруҳининг сиёсий ғояларини амалга ошириш учун, тўғридан-тўғри ҳокимиятни қўлга киритиш йўлида кураш олиб бориш учун фойдаланаётир.

КПСС қайта қуришни бошлаб унга бошчилик қилди ва унинг олдинги сафида бориши керак. Коммунистларнинг аксарияти Марказий Комитетдан, партиянинг барча раҳбар органларидан айни шу нарсани талаб қилмоқдалар. Нотиқ бу масала юзасидан пленумнинг махсус резолюциясини қабул қилишни таклиф этди.

Бизнинг область партия ташкилотимиз ҳаракат дастури лойиҳасидаги биз энди 1985 йил апрелигача яшагандек яшай олмаймиз, деган қоидасини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди. Сиёсий, иқтисодий, миллий муносабатлардаги демократлаштиришга қаратилган ҳозирги йўл ўзини оқлаяпти. Ҳозир рўй бераётган воқеаларнинг кўплари, ўртоқлар, социализмга қарши йўналишдаги турли гуруҳлар ва иттифоқларнинг раҳбарлари устомонлик билан авж олдираётган носоғлом эҳтирослар, анархиянинг мислсиз авж олаётганлигига жуда ўхшаб кетаётир. Буларнинг ҳаммаси кишилар онгига қудратли руҳий тазйиқ кўрсатмоқда, уларнинг ҳаққоний ғазаб ва нафратларини келтириб чиқармоқда. Билмадим, ўртоқлар, балки мен янглишаётгандирман, лекин бу КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми халқ манфаати ва бахт-саодатини ўйлаб эълон қилган демократия ва ошкоралик эмас.

Бизнинг қатъиятсизлигимизни заифлик деб тушуняпти, бу эса масъулиятсизлик ва бош бошдоқликнинг ўсишига ёрдам бераётир. Аҳвол ниҳоятда чигаллашиб кетди. Биз беш йил ичида иқтисодиётда кутилган ижобий натижаларга эришмаганлигимизнинг асосий сабабларидан бири шунда эмасмикин. Воқелигимизга айланган интизомсизлик, уюшқоқсизлик, ишлаб чиқариш маромининг бузилиши магазинлар пештахтасидаги озиқ-овқат маҳсулотларини ва молларни кўпайтирмайди, уй-жой, бошқа социал объектлар қурилишини тезлаштирмайди, медицина, маиший ва коммунал хизматни яхшиламайди ва умуман мамлакатнинг оғир аҳволдан чиқишига ёрдам бермайди. Меҳнаткашлар тартиб ўрнатиш, барқарор вазиятни вужудга келтириш, социал ҳимояланганлик ва хавф-хатарсиз яшаш кафолатларининг таъминланиши учун таъсирчан чоралар кўрилишини ҳақли равишда талаб қилмоқдалар.

Шунинг учун XXVIII съездни партия чинакам ҳуқуқий, чинакам халқчил кўп миллатли давлат тузишнинг аниқ-пухта программаси билан кутиб олиши лозим.

Нотиқ съездни ўтказиш муддатини яқинлаштириш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлади, партиянинг ҳисобот-сайлов кампаниясини эса, унинг фикрича, съезддан кейин бошлаш ҳам мумкин бўлур эди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **И. А. Каримов**нинг айтишича, Ўзбекистондаги аксарият коммунистлар, меҳнаткашлар фикрини қуйидагича таърифлаш мумкин: биз ҳар бир республика ўзининг чинакам суверенитетига ва мустақиллигига эга бўладиган ССР Иттифоқининг янгиланган федерацияси тарафдоримиз, биз ўзгариш характери Михаил Сергеевич Горбачевнинг партия XXVIII съездига КПСС Марказий Комитети ҳаракат дастурининг лойиҳаси ҳақидаги докладида очиб берилган янгиланган КПССнинг ташкилий ва ғоявий бирлиги тарафдоримиз. Шу билан бирга кейинги ойлардаги фавқулодда вазият агар биз воқеалардан илдамлаб кетмасак, жойлардаги партия ташкилотлари эса етилган муаммоларни ўз вақтида ҳал этмасалар, одатда, бу муаммоларни ҳал этишни бошқалар ўз қўлларига олишларини, бу эса ўз навбатида олдиндан айтиш қийин бўлган оқибатларга олиб келишини яққол кўрсатди.

Нотиқ мамлакат халқларининг ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами туфайли Ўзбекистонда йирик ишлаб чиқариш имконияти яратилганлигини эслатиб, айни вақтда унитар давлат тузуми ўтказиб келган маъмурий-буйруқбозлик сиёсати бугун республика иқтисодиёти бир ёқлама, ортиқча даражада хом ашё характерига эга бўлиб, аҳоли эҳтиёжларига хизмат қилмайдиган ҳолатга олиб келганлигини таъкидлади. Масалан, қишлоқ хўжалиги асосий маҳсулотининг 80—90 фоизи сира қайта ишланмаган ҳолда республикадан олиб чиқиб кетилаётганлигини нормал ҳол деб ҳисоблаб бўлмайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари сўзини давом эттириб айтдики, бир вақтлар республика олдига муҳим сиёсий-иқтисодий вазифа: мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъминлаш вазифаси қўйилган эди. Бу вазифа ҳал этилди, лекин мамлакатда ғалла бўйича ҳам, гўшт бўйича ҳам, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа энг муҳим турлари бўйича ҳам бундай ҳолатга эриша олмаётирмиз. Оқибатда эса республика чорвачилик маҳсулотинигина эмас, балки ҳатто мева сабзавот маҳсулотини ҳам истеъмол қилиш бўйича, қишлоқнинг социал ривожланиши бўйича мамлакатда охирги ўринлардан бирига тушиб қолди.

Ҳаракат дастуридаги ҳар бир республика бундан буён ўз ривожланишини мустақил белгилаши ҳақидаги принципиал қоидани қўллаб-қувватлаб, нотиқ бу қоидани реал амалга ошириш учун барча зарур шароитлар ҳақиқатан ҳам вужудга келтирилмагунча бу қонда қуруқ гап бўлиб қолаверади, деган фикрни айтди. Унинг фикрича, ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга, ўзини ўзи бошқаришга ўтиш пайтида республиканинг ҳозирги аҳволи, унинг ижтимоий-иқтисодий базаси деярли ҳисобга олинмаётир.

Нотиқ КПСС Марказий Комитети ҳаракат дастурининг инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқи гарантиясини мустаҳкамлаш зарурлиги кўрсатилган қисмини таҳлил қилиб, Ўзбекистонда ишсизлар сони ошиб бораётганлигини ва ҳозир салкам 1 миллион кишига етиб қолганлигини айтди. У иш билан таъминлаш бўйича иттифоқ программаси ишлаб чиқилишини ёқлади ва иш билан таъминланмаган кишиларни кун кечиришга етадиган нафақалар билан Қонун асосида таъминлашни таклиф қилди.

Мамлакатнинг хўжаликни юритиш ва бошқаришнинг янги механизмига ўтишини тезлаштириш қайта қуришнинг тақдири учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деб хулоса чиқарди нотиқ. Аммо, унинг назарида, янги иқтисодий система, янги хўжалик механизми, афсуски, ҳозирча аниқ қиёфага эга эмас. Нотиқ мана бундай савол қўйди: иттифоқ бюджетидан субвенция деб аталадиган нарса, оддийроқ қилиб айтганда эса дотация бу йил уч миллиард сўмга етаётган экан, Ўзбекистон учун қандай иқтисодий мустақиллик ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ҳақида гап бўлиши мумкин? Бу эса бутун республика бюджетининг 30 фоизини ташкил қилади. Ўзбекистон партия ташкилотининг раҳбари бу масалани қишлоқ хўжалик маҳсулотининг кўпгина турлари, масалан, Ўрта Осиёдаги етакчи экин бўлган пахтага ҳақ тўлашни қайта кўриб чиқиш ҳақидаги бошқа масала билан бевосита боғлаб, ер ва ер ости бойликларига бўлган мулкчилик билан боғлиқ қоидаларни яна бир бор кўриб чиқишни таклиф қилди. Унинг назарида, ҳаракат дастури лойиҳасида берилган хом қоида янгиланаётган федерациянинг моҳияти ва руҳига жавоб бермайди, табиий бойликлардан оқилона фойдаланишда кўмаклашмайди.

Ҳаракат дастури лойиҳасида белгиланган иттифоқдош республикалар Компартияларининг мустақиллиги ва масъулиятини ошириш йўлини нотиқ тўғри йўл деб атади. КПСС раҳбар органларини тузишга тааллуқли таклифларни қўллаб-қувватлаб, айни вақтда КПСС-нинг марказий органларида иттифоқдош республикалар барча Компартияларининг тенг шароитда албатта ваколатлари бўлиши таъминланишини ёқлаб чиқди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари айтдики, ҳозир партияга федерациямизни янгилаш ва КПССдаги қайта қуриш билан боғлиқ барча принципиал масалалар юзасидан аниқ ва қатъий позициялар ҳам ҳар қачонгидан ҳам керак бўлиб қолди. Афсуски, деб давом этди у, ҳаракат дастурида қайта қуриш ва демократиялаш шиорлари билан ниқобланиб, ўткинчи қийинчиликлар ва муаммолардан фойдаланиб, ҳозир вазиятни издан чиқараётган, сиёсий ҳокимиятни қўлга олиш учун параллел ташкилий ва бошқа структураларни тузаётган кишиларга нисбатан аниқ позиция белгиланмаган.

Ҳукмрон сиёсий куч сифатида КПСС бундан буён ҳам мамлакатимизда ишларнинг аҳволи учун масъулиятли бўлаверади. Аммо шуни англаб олиш керакки, агар партия кадрлар сиёсатининг асосий омилларини қўлидан чиқариб юборса, қайта қуриш ташаббускори сифатидаги ўз вазифасини бажара олмайди. Шу муносабат билан қуйидаги савол туғилади: партиядан чиқиш ҳеч қандай сиёсий оқибатларга олиб келмайди, деган қоидани ҳаракат дастурида шунчалик кўз-кўз қилишнинг ҳожати бормикин?

(И. А. КАРИМОВ нутқининг тўла матни газетанинг навбатдаги сонида эълон қилинади).

КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР халқ таълими давлат комитетининг раиси **Г. А. Ягодин**нинг фикрига кўра, ҳаракат дастурининг ҳикмати шундаки, бу дастур марказида инсон, унинг бахти ва фаровонлиги турган мутлақо умуминсоний мақсадлардан бошқа нарсани ўз олдига қўймаган. Бу концепциянинг жуда муҳим ютуғидир. Марксизмдан чекиниш, субъективизм, эҳтимол субъектив идеализм ҳам 20- ва ундан кейинги йиллар раҳбариятининг хатоси бўлган эди. Ўшанда назария амалиётдан устун бўлган эди. Нотиқ биз қонунлар билан оғир аҳволга тушиб қолган, илма-тешиклари ва камчиликлари бўлган бюджетимизни ямаб-ясқашга уринаётган ҳозирги пайтда, худди шундай субъектив хатоларга йўл қўймаяпмизми, деб хавотирлик билдирди. Ишлаб чиқариш соҳасидаги инсон тўғрисида гапириш ва ушбу ишлаб чиқаришни яхшилаш имкониятларини аниқлаш ўрнига жуда муҳим, жуда керакли долзарб масалаларга, ҳар ҳолда айниқса, танқислик шароитида доимо иккиламчи бўлган тақсимот масалаларига эътиборни қаратдик.

Нотиқ президент лавозими тўғрисидаги ҳаракат дастури ғоясини қаттиқ қўллаб-қувватлашга чақирар экан, коллегиал раҳбарлик коллектив масъулиятсизликка олиб келгунига қадар жуда яхши бўлишини уқтирди. Мамлакат келажаги ва унинг бугунги куни учун бутун масъулиятни ўз зиммасига оладиган лавозим, бу лавозимни эгаллайдиган киши белгиланиши керак. Бутун халқ иштирокида бевосита ва яширин овоз бериш йўли билан президент сайлашни ҳоҳлардик, албатта, лекин ҳозир бунинг учун эҳтимол вақтимиз йўқдир ва эҳтимол, янги Конституция қабул қилингунича бу ишни халқ депутатлари Съездида қилиш мумкиндир. Конституцияда эса президентни қанча муддатга сайлашни ҳам аниқ чегаралаш, президент фаолиятини назорат қилиш имконини берадиган омилларни аниқлаш шарт. Чунки тарихимизнинг қисқалигига қарамай, у ана шу маънода жуда катта хатоларга тўлиб-тошиб ётибди.

Концепцияда давлат тўғрисидаги қоида янада аниқроқ белгиланиши лозим. Тўғри, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи — ихтиёрий тузилмадир. Бу тузилмага зўрлаб киритиш мумкин эмас, фақат иттифоқ шартномаси шароитидагина бундай тузилмани қабул қилиш мумкин ва қабул қилиш керак. Бу бизга фойдали бўлганлиги учун Совет Иттифоқига бирлашаётганлигимизни билдиради. Бу нарса мудофаа, ташқи ишлар, транспорт, ягона энергетика системаси ва шунга ўхшаш масалаларни ҳал этишда нафлидир. Лекин бунинг ўзи етарли эмас! Иттифоққа бирлашганимизда биз ўз зиммамизга муайян мажбуриятларни олишимиз керак. Биз фақат иттифоққа кирмаймиз, айни вақтда бизни иттифоққа ҳам қабул қилишади. Бу ерда ҳам шарт-шароитлар аниқ-равшан белгиланган бўлиши керақ.

Қандай муҳим шарт белгиланган бўлиши керак? Инсоннинг социалистик давлатда бутун давлат ҳудудидаги ҳуқуқлари барча учун ҳеч қандай истисносиз мутлақо бир хил қилиб белгиланиши лозим!

Расмий давлат тили иккинчи шарт бўлиши керак. Давлатни бирлаштириш учун имконият кам, борларидан эса фойдаланиш даркор.

Совет Иттифоқининг бутун ҳудудида ўқиш-ўқитиш тенглиги бунинг яна бир шартидир. Албатта, ҳар қандай соҳада қайси миллатга мансублигига қараб камситилиш истисно этилиши шарт. Бутун мамлакатнинг алоҳида ғамхўрлигини талаб этадиган ва амалда жамиятни мустаҳкамлайдиган муаммоларнинг мажбурий давлат программаси зарур.

Давлат комитети раиси ҳаракат дастурининг мақсади инсон деб тўғри кўрсатилганлигига қўшилди. Лекин биз инсоннинг турмуш даражаси унинг билимдонлиги, меҳнат маҳорати, масъулияти, интизоми билан эмас, балки ташқи иқтисодий тақсимот билан белгиланадиган бўлса, биз бир қадам ҳам олға силжий олмаймиз. Ташқи иқтисодий тақсимот қанчалик оқилона бўлмасин, ҳар доим кимгадир ёқади, кимгадир ёқмайди. Ҳозир бизни маданият даражаси ҳамда иш билармонлигимиз ушлаб турибди. Ривожланаётган мамлакатлардан қанчадан-қанча технология сотиб олинди, лекин мен кимёгар сифатида, деди нотиқ, лойиҳа қувватига чиққан бирорта ҳам заводни билмайман. Ишчиларнинг малакаси етишмайди, инженерларнинг малакаси етишмайди. Биз ҳаммамиз компьютерлар сотиб оламиз ва маориф соҳасидаги ишларимиз юришиб кетади, деб ўйлаймиз. Компьютерлар сотиб олиш тўғрисидаги илтимосларимдан воз кечмаган ҳолда компьютердан кўра бизга ўқитувчи зарурлигини айтмоқчиман. Заводдан кўра инженер билан ишчи керак ва ҳоказо.

Мамлакатда малака ошириш ишлари юзаки олиб борилмоқда. Малака оширишнинг муайян системасини яратмоқ лозим. Эртага турмуш учун, инсон учун худди шу нарса сеҳрли таёқча вазифасини ўтайди. Худди шу таёқча ишчига бир ишдан бошқа ишга ўтишга ёрдам беради. Масъул лавозимдаги кишиларни уқувсиз, нопок, ёмон одамлардан ва ёмон раҳбарлардан ҳимоя қилиш керак. Бундай ҳимоя ҳуқуқий бўлиши айни вақтда унинг иш моҳиятига, яъни жамиятнинг ёмон ходимдан ҳимоя қилинишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиши лозим.

Марказий Комитетнинг ҳаракат дастурида таълимнинг моддий базасини ривожлантиришга сарф-харажатларни кўпайтириш зарурлиги айтилган, деб таъкидлади мамнуният билан нотиқ.

Ҳокимият органлари ва партия раҳбариятига бўлган ишончсизлик ҳали чўққисига чиққани йўқ, лекин ана шу хавф-хатар яқинлашиб қолди, деди Ленинграддаги «Ижорский завод» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари **Ю. П. Архипов**. Халқимиз ҳукуматдан ва халқ депутатларидан, коммунистлар эса партия раҳбариятидан қатъий амалий ҳаракатлар қилинишини кутяпти. Халқ қайта қуришни қўллаб-қувватлаяпти, лекин бу нотиқнинг фикрига кўра, партияни қўллаб-қувватлаш, деган маънони билдирмайди. Партия сафидан чиққан кишиларни исми-шарифларини айтмасдан қилинган савол-жавоб уларнинг кўпчилиги партияга ва партия раҳбариятига ишончсизлик сабабли ундан чиққанликларини кўрсатмоқда. КПСС сафларидан чиқаётганлар жуда кўпаймоқда.

Кўп партиялиликни тан олиш, Конституциянинг олтинчи моддасини бекор қилиш ҳамда партияда туб ислоҳот бошлаш хусусида бир хил фикр айтиши лозим бўлган бугунги Пленум ишончсизликни йўқотиш, лоақал камайтириш сари ташланган дастлабки қадам бўлиши керак.

Нотиқ Пленумда иккита ҳужжат қабул қилишни таклиф этди. Биринчиси, XXVIII съездга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида КПССни демократиялаштиришга қаратилган, асосий, концептуал йўналишларни белгилаб берувчи ҳақиқий сиёсий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдир. Унда ҳозирча Съезддан кейинги даврда, узоқ муддатга мўлжалланган ҳамма нарсани қабул қилиш учун вақт эрта.

Иккинчиси ташкилий ҳужжат бўлиб, унда КПСС XXVIII съездига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиби акс этмоғи лозим. Партиянинг тақдири, қайта қуришнинг тақдири худди ана шу даврга боғлиқдир.

Партиядаги тангликни таъкидлашдан ташқари, ҳаракат дастурида КПССнинг съездолди даври фаолиятининг асосий концептуал йўналишлари ҳам бўлиши керак, деб ҳисоблайди нотиқ. Бунга 21 январь куни Москва партия клублари ва ташкилотлари конференциясида қабул қилинган, Ленинград, Москва, бошқа шаҳарлар энг катта коллективлари партия конференцияларининг қарорлари ўз аксини топган демократик ҳаракат дастурини асос қилиб олиш мумкин бўлур эди. У иш тартиби тадбирлари сифатида Пленумда съездга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот комитетини сайлаш учун Марказий Комитет аъзолари ва таклиф этилган кишилардан сайлов комиссияси тузишни ўртага қўйди. Ташкилот комитети аъзолари сонини 50—60 киши атрофида белгилаш, вакиллик нормасини аниқлаш ва энг демократик йўл билан, партия округларида кўп номзодлардан биттасини бевосита сайлаш йўли билан март ойига қадар ташкилот комитети аъзоларини сайлаш лозим. Ташкилот комитетига кундалик ишларни бажариш учун КПСС Марказий Комитети аппаратининг бир қисмини бўйсундириб, унга съездга тайёргарлик кўриш, КПСС Марказий Комитети секретари Г. П. Разумовскийга эса комитетга зарур ёрдам кўрсатиш вазифаси топширилсин.

Комитет уч ойлик муддат ичида партия округларидан съезд делегатлари бевосита сайловини ўтказиши, унинг кун тартибини тайёрлашга доир таклифларни узил-кесил аниқлаши, шунингдек ҳужжатлар — КПСС Программаси ва Устави лойиҳаларини тайёрлаши лозим.

Ушбу таклифга, деди нотиқ, Уставга мувофиқ съездни тайёрлаши керак бўлган КПСС Марказий Комитетига ишончсизлик билдириш деб қараш керак эмас. Мазкур таклиф якка ҳокимликнинг янги шаклини излашга эмас, аксинча съездга асосий ҳужжатларни хилма-хил тайёрлашга қаратилган. Марказий Комитет съездга ҳужжатларнинг ўз вариантларини тақдим этиши мумкин.

Съездни икки босқичда ўтказиш таклиф этилади: уни май ойининг охирида бошлаш, тақдим этилган хилма-хил ҳужжатларни муҳокама қилиш, биринчи муҳокамада уларнинг лойиҳаларини қабул этиш ва бутун партия муҳокамасига қўйиш, кейин съезд ишини тўхтатиб туриш керак . Бир ойдан кейин, июнь ойининг охирида съезд ишини қайта бошлаш, муҳокамаларни узил-кесил ҳисобга олиб, Программа ва Уставни қабул қилиш ҳамда партия раҳбар органларини сайлаш лозим.

Нотиқ партияда ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш муддатлари ҳақида гапирар экан, бирлашмада ушбу масала юзасидан ўтказилган референдум коммунистларнинг ярмидан сал кўпроғи съезддан сўнг ҳисобот берилиши тарафдори эканлигини кўрсатди, деб таъкидлади. Коммунистлар Пленумнинг асосли қарорлар қабул қилишини сабрсизлик ва умид билан кутмоқдалар. Партияни сақлаб қолиш учун ҳали имконият бор ва уни қўлдан бой бермаслик керак.

Бугун партиянинг навбатдаги съездига тайёргарлик масаласи шунчаки муҳокама қилинаётгани йўқ. Балки унинг сиёсий тақдири ҳал этиляпти, — деди КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари **Ю. А. Прокофьев**. Унга эришиш мақсади ва воситаларида равшанлик бўлиши керак. Бугун аниқлаб олмасак, эртага кеч бўлади. Партия демократиялаштириш жараёнида шусиз ҳам ҳаддан ташқари кечикиб кетди, жамиятнинг янгиланиш суръатларидан орқада қолди.

Бугунги турмушимиз партия аъзоларининг мисли кўрилмаган ҳаракатига сабаб бўлди, коммунистларни партияни танглик ҳолатидан чиқаришда мустақил йўл излашга ундади. Ҳозирги сиёсий системада КПССнинг аҳамияти ва ўрни тўғрисида пойтахт партия ташкилотида ўтказилган музокарада партияда қайта қуришга принципиал ёндашувлар ҳам, унинг программ ҳужжатлари мазмунига доир аниқ-равшан таклифлар ҳам баён этилди. Мамлакатимизнинг бошқа партия ташкилотларида ҳам бой материал тўпланди.

Буларнинг ҳаммаси Марказий Комитет раҳбариятига маълум, бироқ юборилган ҳужжат бизни аслида икки йил орқага, партиянинг XIX конференциясига қайтаради.

Бу энг аввало партия тўғрисидаги бўлимга тааллуқлидир. СССР Конституциясининг 6-моддасига муносабатни янада ойдинроқ баён этиш, КПСС уни қайта кўриб чиқиш тарафдори эканлиги хусусида аниқ фикр айтиш зарур. Пленум номидан коммунист депутатларга қонун чиқарувчи органга тегишли таклифларни киритишни топшириш керак бўлур эди. Ушбу масалани янада узоққа чўзиш партияга нисбатан салбий муносабатларни кучайтиради, холос.

Ўз ҳаракат дастуримизда энг аввало сиёсий воқеликлардан келиб чиқишимиз керак: жамият ҳозирнинг ўзида амалда кўп партиялилик, ўткир сиёсий мухолифлик, ҳокимият учун қаттиқ кураш шароитида яшамоқда. Мамлакатда социализмга қарши турувчи кучлар жипслашиб ҳаракат қилмоқда, улар қоидасиз кураш олиб бормоқдалар. Партиянинг шу кунларга мос келадиган стратегиясини ишлаб чиқиш зарур. Бошланғич партия ташкилотлари ҳуқуқларини кенгайтириш тўғрисидаги масалаларни амалда ҳал қилишни съездгача чўзиш мумкин эмас. Бошланғич партия ташкилотлари ўз ҳуқуқларини кўп ҳолларда партияга қабул қилиш ва ундан чиқиш, секретарлар ва партия комитетлари аъзолари ҳамда бюросини сайлаш тартиби билан, айни вақтда улар партия аъзолиги бадалларининг 50 фоизгача бўлган миқдорини бошланғич партия ташкилотларида қолдириш билан шуғулланадилар. «Партия оммаси ҳокимияти» декларацияси эмас, балки ҳар бир коммунистнинг партия қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда аниқ-равшан иштирокига кафолат берадиган омилларни мустаҳкамлаш зарур.

Съездга делегатлар сайлаш — биринчи даражали масала. Москва бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари делегатларни бир неча номзод ичидан бевосита, яширин овоз бериш йўли билан сайлаш, маҳаллий партия органларига сайлов ўтказиш йўлларини ўзлари белгилаш ҳуқуқини беришни ёқлаб чиқдилар. Бу таклифлар XXVIII съездни яқинлаштириш ва уни июнь ойидан кечиктирмай ўтказиш ташаббуси сингари мамлакатимиз кўпгина регионлари коммунистларининг кайфиятига ҳамоҳанг эканлигини биламан. М. С. Горбачевнинг бу таклифини қўллаб-қувватлаш керак, деб ўйлайман.

Делегатлар сайловини улар съезднинг тегишли ҳужжатларини тайёрлаш имкониятига эга бўлишлари учун барвақт тугаллаш мақсадга мувофиқдир.

Ниҳоят, коммунистларнинг аппаратни қисқартириш ва сифат жиҳатидан янгилаш, партия комитетларига аппарат структураси ва унда ишлайдиган ходимлар сонини, уларнинг иш ҳақини мустақил белгилаш ҳуқуқини бериш ҳақидаги қатъий талабларини ҳисобга олиш зарур, деди пойтахт партия ташкилотининг раҳбари. Партия бюджети тўғрисида ҳам янада аниқроқ бўлим бўлиши керак.

Партия марказий органларини тузиш борасидаги таклифларда ҳам очиқдан-очиқ қарама-қаршиликлар бор. Съездлар оралиғидаги вақтда умумпартиявий конференциялар ўтказиш таклиф этилаётган бир пайтда, сайлаб қўйиладиган орган аъзолари ўрнини қўшимча сайлов ўтказмасдан тўлдиришнинг нима кераги бор? РСФСР коммунистлари учун олий раҳбар органни бошқа иттифоқдош республикалардаги ўртоқлар нима сабабдан сайлашларини изоҳлаб бўлмайди.

Ҳужжат, илгари бўлганидек, аппарат хоналарида тайёрланганлиги кўриниб турибди. Ҳатто Марказий Комитет комиссияларининг мажлисларида ҳам ҳаракат дастури олдиндан муҳокама қилинмаган. Партия кўпдан кўп аъзоларининг неча минглаб таклифларини ҳисобга олиш, аниқ йўл тутиш ўрнига, унда умумий масалалар қўйилади, уларни ҳал этиш эса номаълум истиқболга бориб тақалади.

Биз қаёққа қараб кетаётганлигимиздан халқ ташвишга тушмоқда. Меҳнаткаш аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш керак, бу ишда ён беришларга йўл қўйиб бўлмайди. Бизнинг ҳаракат дастуримизда инсонни инсон томонидан эксплуатация қилинишининг истисно этилиши жуда аниқ акс этиши даркор. Ҳужжатда партиянинг қарийб ярмини ташкил этадиган ишчилар синфининг манфаатлари етарли акс этмаган. Бугунги кунда партияда кўп оқимлар борлигини инкор қилиб бўлмайди. Шу сабабдан янгиланаётган партия ғоявий асосларини аниқлаш масалаларнинг масаласидир. Сиёсий жиҳатдан фикрларнинг хилма-хиллиги ғоявий жиҳатдан ҳамма нарсани қилавериш эмас. Бекинмачоқ ўйнайдиган вақтлар ўтиб кетди. Партия ғоявий бирлигини йўқотса, истиқболини ҳам бой беради.

Сўнгги ойлардаги воқеалар биздан жўшқин ҳаракат қилишни тақозо этмоқда, деди сўзининг охирида нотиқ. Биз фаол ҳаракат қилувчи партия бўлишимиз лозим. Ўзгаришларни ҳохлаш эмас, балки уларни амалга ошириш керак.

Ҳамма ерда партия ҳақидаги масалалар муҳокама қилинмоқда, партия қандай бўлиши ҳақида хилма-хил фикрлар билдирилиши билан бирга жамиятимиз олдига умуман КПСС бўлиши керакми, деган муаммо тобора қатъийроқ ва жиддий қилиб қўйилмоқда. КПСС Марказий Комитети аъзолигига номзод,

(Давоми тўртинчи бетда).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИДА МУЗОКАРАЛАР

(Давоми. Боши учинчи бетда).

РСФСР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари **Т. Г. Иванова** ўз нутқини шундай бошлади. Партиядаги қайта қуришни партияни қайта қуриш билан алмаштиришга интилаётган кучлар фаоллашмоқда. Улар бунда, албатта партия фаолиятининг ғоявий асосларини назарда тутишмоқда, деб таъкидлади у. Съездга тайёргарлик билан боғлиқ аниқ масалаларга, делегатларни сайлаш ва раҳбар органларни тузишга турлича қарашлар бўлгани ҳолда коммунистларнинг умумий позицияси ҳам бўлиши зарур. Бундай позиция бор. Партия аниқ-равшан ҳаракатлар партияси сифатида, халқ эҳтиёжларини кўзлайдиган, унинг манфаатларини ҳимоя қиладиган, жамиятдаги вазиятнинг шиддатли ўзгаришига ўз вақтида ва ҳамоҳанг равишда аҳамият берадиган партия сифатида ўз обрўсини сақлайди ва мустаҳкамлайди. Шу сабабдан КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий ҳаракат дастури истиқболдаги ёки стратегик мақсадларни акс эттирувчи программагина бўлиб қолмаслиги керак, у эса асосан шундай тузилган. Ҳаракат дастури биринчи галдаги ҳаракатларимиз учун сафарбар қилувчи омилга айланиши даркор.

Нотиқнинг фикрига қараганда, унинг тақдим этилган лойиҳаси бирлашишга ва бунёдкорликка қаратилган. У маълум даражада одамларнинг ҳаётий интилишларини акс эттиради. Бироқ ҳужжатда миллионлаб коммунистлар, бутун халқимиз интиқиб кутаётган нарсалар етишмайди: партия ўзининг программавий кўрсатмаларини қандай қилиб бажаради? Партия янгича шароитда қандай ҳаракат қилиши керак? Нотиқ ҳужжатни муайян аниқликлар билан тўлдиришни — қайта қуришда амалий тарзда қатнашаётган ташаббускор уюшмалар фаолиятида ўз ўрнини топиш хусусида коммунистларга топшириқ берилишини таклиф қилди, бошланғич партия ташкилотларида асосий қонунларнинг лойиҳаларини муҳокама қилиш ғоясини айтди. У ўз нутқида ҳаракат дастурида партиядан сайланган халқ депутатларига тегишли наказларни шакллантиришни ҳам таклиф этди. СССР Конституциясидаги «Сиёсий система» деб аталган биринчи бобининг муҳокама қилинаётган ҳаракат дастурида баён этилган принципларни ҳисобга олиб унинг биринчи вариантини ишлаб чиқиш шундай топшириқлар жумласига кириши мумкин бўлур эди.

Нутқнинг катта қисмини Россия Федерацияси коммунистлари муаммолари эгаллади. Республика коммунистлари бирлаштирувчи муштарак асосга эга бўлмай туриб, КПСС турмушига аниқ-равшан кирадиган демократик принципалар эълон қилинганлигига қарамай, уларни ҳозирча амалга оширишлари қийин. Нотиқнинг сўзларига қараганда, КПСС Марказий Комитети Россия бюросининг сайланиш тартиби Марказий Комитетнинг обрўсига обрў қўшмади, энг муҳими, бюро партия турмушига ўз таъсири жиҳатидан иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига тенг келадиган орган бўлиши мумкинлигига умид қилиш қийин. Нотиқ бу муаммо мураккаблиги хусусида ўзига ўзи ҳисоб бераётганлигини таъкидлади. Унинг фикрига кўра, коммунистлар билан батафсил маслаҳатлашиб олиш керак. Нотиқ съездга қадар, у қайси муддатда ўтказилишидан қатъи назар, КПСС Россия конференциясини ўтказишни, бошқа долзарб муаммолар қатори ушбу масалани муҳокама қилишни ҳам таклиф этди. Унга тайёргарлик кўришни Марказий Комитет Россия бюросига топшириш мумкин бўлур эди.

Биз республикада бир маънодаги иккита атамадан — Белоруссия Компартияси, республика партия ташкилоти деган атамалардан фойдаланамиз, деди КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Е. Е. Соколов.** Кундалик турмуш даражасида буни тушунса бўлади. Сиёсат нуқтаи назаридан эса бу тушунчаларнинг бир хил эканлигини шартли равишдагина қабул қилиш мумкин. Янги мақом республика партия ташкилотига эмас, балки айни Белоруссия Компартиясига зарур. Бу нарса республика коммунистларига янги сифат бахш этади, улар сиёсатнинг ижрочиларигина эмас, балки ташаббускорлари, яратувчилари бўладилар. Бунда республика Компартиясининг ваколатлари энг кўп даражада — барча ташкилий-структуравий, кадрларга оид, молиявий масалаларни ҳал этиш ҳуқуқидан то сиёсий программавий ҳужжатлар қабул қилишгача бўлиши керак.

Баъзи кишилар Белоруссия Компартиясига ўз программасининг кераги йўқ, чунки у КПСС Программасининг такрори бўлади, демоқдалар. Тўғри, принципиал масалалар юзасидан тафовутлар бўлиши мумкин эмас. Менинг позициям қуйидагича: мен республикалар Компартияларининг мустақиллиги тарафдориман, лекин уларнинг алоҳидалигига, КПССдаги федерализмга қаршиман.

Айни вақтда у ёки бу республиканинг миллий-тарихий, сиёсий, социал-иқтисодий хусусиятларини ва ривожланишидаги бошқа хусусиятларни ҳисобга олмаслик — бюрократик централизмга берилиб кетишни билдиради. Нотиқ ҳаракат дастури лойиҳасига «республикаларнинг Компартиялари ўз программаларига, шунингдек бошқа сиёсий ҳужжатларга эга бўла оладилар» деб ёзиб қўйишни таклиф қилди. Уставга келганда, унинг фикрича, Устав мамлакатнинг барча коммунистлари учун ягона бўлиши керак.

Ҳаракат дастури лойиҳасида партияни диалектик ривожланаётган, жўшқин, ўзини ўзи янгилаб турувчи ташкилотга айлантириш имконини берадиган партияни демократиялаш йўналишлари кенг баён қилинган. Аммо, нотиқнинг фикрича, баъзи қоидалар унча аниқ эмас. Хусусан, бошланғич партия ташкилотларининг юқори партия органлари фаолиятига реал таъсир қилишига имкон берадиган қоидалар ва муолажалар ҳақида умумий тарзда гапирилган. Бу ерда таъриф аниқроқ бўлиши, коммунистларни самаралироқ муҳокамага рағбатлантириши керак. Хўш, бунда нима назарда тутилаётир? Биз ирода ва ҳаракат бирлигига айниқса муҳтож бўлиб турган ҳозирги кунда демократик централизмнинг юқори партия органлари қарорлари қуйи органлар учун мажбурий эканлиги ҳақидаги нормаларидан воз кечишнинг ҳожати борми? Шу билан бирга мазкур форманинг қотиб қолган қатъийлиги яққол кўриниб турибди. Бундан қутулиш учун партия ички турмушига партия комитетлари қарорларининг кўпчилик бошланғич партия ташкилотлари томонидан «ратификация қилиш» механизмини жорий этиш йўли билан халос бўлиш мумкин. Айни шу бошланғич ташкилотлар «ратификация» қилишлари керак, бу эса уларни партия сиёсатини ишлаб чиқишнинг фаол ва бевосита қатнашчиларига айлантиради. Ўз-ўзидан маълумки, бу нарса партиянинг ваколатли органлари — съездлар ва конференцияларнинг қарорларига татбиқ этилмайди. Барча даражалар бўйича «ратификация»га тақдим этиладиган масалалар доирасини аниқ белгилаб қўйиш муҳимдир.

Рўй-ростлик муҳитининг вужудга келтирилиши, ҳар бир коммунист учун партия қарорларини ишлаб чиқишда иштирок этиш учун имкониятларнинг кенгайтирилиши партия иродасининг бирлиги ҳақидаги, сиёсий ташкилот сифатида партиянинг бирлиги ҳақидаги масалани муқаррар равишда кун тартибига қўяди. Бирлик деганда ҳолат эмас, балки жараён тушунилади, бу эса партиянинг ҳозирги кундаги ролига кўпроқ мувофиқ келади. Турли йўллар ва ҳаракат дастурлари бўйича партия ички мусобақасининг, камчилик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги хулоса мантиқан ана шундан келиб чиқади. Бунда қуйидаги формула тўғри бўлиши мумкин: партиядаги ҳукмрон ғоялар ишончли тарзда ҳимоя қилиниши ва камчиликнинг фикри албатта ҳисобга олиниши лозим.

Интизомни мустаҳкамламай туриб партия иродасининг бирлигига эришиб бўлмайди, деб давом этди нотиқ. Биз Лениннинг интизомсиз партия — партия эмас, деган фикрини такрорлашдан чарчамаслигимиз керак. Буни КПСС Марказий Комтетининг ҳаракат дастурида ҳам эслатиб ўтиш ортиқча бўлмайди.

Қайта қуриш жараёнида биз ҳаммамиз ўзгараяпмиз, сабоқ оляпмиз. Бу энди кенг тарқалган фикр бўлиб қолди. Лекин андозаларни бартараф этиш, янги йўллар ва қарорларни изланиш суриштирмай-нетмай ҳамма нарсани бузиб ташлашни билдирадими, бир томондан иккинчи томонга оғавериш ҳуқуқини кўзда тутадими? Мен аппаратсиз партия комитетлари ҳамда уларга доимий ишловчи органлар мақомини бериш фойдаси ҳақида матбуотдаги материалларни ўқиганимда, радио орқали эшитганимда ҳар гал миямга ана шундай фикр келади. Аммо ғоят жиддий саволлар туғилади. Бу нарса ишдаги коллективликни торайтириб қўймайдими? Ўз вакилларини район ёки шаҳар партия комитетига юборган коммунистлар фикрларининг хилма-хиллигини камайтирмайдими? Қарорларнинг юзаки ишлаб чиқилишига олиб келмайдими? Бунда энг асосий масала қуйидагидир: сайлаб қўйиладиган органлар, айниқса қуйи органлар аъзоларига профессионаллар мақомининг берилиши, партия аъзолари оммаси орасида уларнинг бўлмаслиги КПСС билан халқ алоқасини заифлаштирмайдими?

Ҳаракат дастури — сиёсий ҳужжат. Унда жамиятимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган хусусий мулк ҳақида қоида бор. Бу қоида татбиқ этиш доираси нуқтаи назаридан аниқроқ белгиланиши керак. Неча ўн йиллар давомида одамларимиз «ўзимизга қараганда жамиятга кўпроқ берайлик» шиори руҳида тарбияланиб келишди. Социализм имкониятларини мумкин қадар тўлароқ намоён қилиш учун мулкнинг қандай формалари ва қандай мутаносибликда, нисбатда бўлишини уларнинг ўзлари ҳал этишлари керак.

Баъзи публицистлар мамлакатдаги вазиятни ҳокимиятсизликни демократиялаш, деб таърифламоқдалар. Ошириб юборилганлиги яққол кўриниб турибди. Аммо ана шундай таъриф учун ҳеч қандай асос йўқ, деб ҳам айтолмаймиз-ку, ахир. Одамлар кучайиб бораётган тартибсизликлардан, миллатлараро можаролардан чарчашди. Бегуноҳ кишилар қони тўкилмоқда. Айрим корхоналар у ёқда турсин, бутун-бутун регионлар ҳам ҳафталаб ва ойлаб ишламаётир.

Вазият марказий ҳокимиятни қатъий кучайтиришни талаб қилади.

СССР Олий Советининг Раиси, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари халқ олдида, партия олдида ғоят катта масъулиятлидир. Аммо унинг ваколатлари ана шу масъулиятга мувофиқ келадими? Бунда гап давлат бошлиғи — айни вақтда ҳукмрон партиянинг раҳбари демократик муассасалар амал қилишига зид келмайдиган, қайта қуриш манфаатлари йўлида, совет халқининг манфаатлари йўлида зарур бўлган жойларда ҳокимият кучидан фойдаланиш имкониятини берадиган ваколатларга эга бўлиши ҳақида боради.

Донецк областидаги «Артёмуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Кочегарка» шахтасида портлатувчи мастер бўлиб ишлайдиган **К. Г. Фесенко** Пленум ишида шахтёрлар делегациясининг иштирок этаётганлигини демократиялаш йўлидаги ҳаракат белгиси деб атади.

Қайта қуриш, деб давом этди у, зарур эди. Буни эндиликда ҳар бир киши тушуниб турибди. Уни партия таклиф қилди. Бугун партия қандайдир англашилмайдиган ҳолатга тушиб қолганлигига нималар сабаб бўлганлигини таҳлил қилиш керак.

Биз ҳужжат билан танишиб чиқдик, лекин унинг айрим қоидалари шубҳа туғдиради. Масалан, иқтисодиётни тубдан ўзгартириш ҳақидаги гапни олайлик. Ишчилар туб ўзгариш аввало ошкораликда, демократияда бўлиши керак, деб ҳисоблайдилар. Биз эса ҳуқуқий негизга, зарур механизмларга эга бўлмаганимиз туфайли иқтисодиётда бир томондан иккинчи томонга оға бошладик. Иқтисодиётдаги эски якка ҳокимчилик системаси ўз умрини яшаб бўлди, лекин биз бирор қонунга эга бўлмаган ҳолда бозор томон ташландик ва бу нарса бориб турган талончиликка айланди. Халқ учун моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳақида гапирамизу бунда асосий тармоқлардаги вазиятни эътиборга олмаймиз. Академикларнинг янгиликлари кўмир саноатини аянчли аҳволга олиб келди.

Шахтёрлар — забастовкачилар ва юлғичлар, забастовкачилар эса иқтисодиётга путур етказдилар холос, деган гапларга йўл қўйиб бўлмайди. Ваҳолонки, худди шу туфайли қайта қуриш илдизидан кўкара бошлади, агар ана шу илдиз мустаҳкамлана олса, қайта қуриш жараёни юриб кетади. Бу эскича ёндашиш қаердан пайдо бўлди? Забастовкаларнинг олдини олиш мумкин эди. Аммо М. С. Горбачев сафари пайтида маҳаллий аппаратчилар ҳақиқатни яшириш, одамларни у билан суҳбатга тайёрлаш учун ҳамма чораларни кўришди. Ўша пайтда ҳақиқат айтилганида, чоралар кўрилганида балки забастовкалар ҳам бўлмаган бўлур эди.

Ҳозир, деди шахтёр, Конституциянинг 6-моддаси ҳақида кўп гапиряпти. Буни бир хил тушуниш керак: ҳозир жамиятда алоҳида ҳуқуқлар партияга эмас, балки унинг аппаратига бериб қўйилган. Мен оддий коммунистман ва менда ҳеч қандай раҳбарлик мавқеим йўқ. Бу мавқе аппаратда бўлиб, асосан унинг консерватив қаршилиги оқибатида қайта қуриш жилмаяпти. Балки ҳозир қайта қуриш пастдан бошланган ва юқори органларнинг қарорлари билан мустаҳкамланган пайтда жадалроқ суръатлар билан давом этар. Лекин аппарат, барча демократик ҳодисаларни ўзи учун шахсий хатар деб билди. Хўш, партия нима туфайли обрўсини йўқотяпти, уни ким обрўсизлантиряпти? Аппарат.

Ҳозир сайловолди кампанияси давом этаётир. Бизнинг шаҳримизда партия органларининг вакиллари ишчилар билан беллашувдан ўзларини олиб қочиб, бошқа округларга ўтишаётир. Биз меҳнат қиламиз, аппарат ўйинлари билан шуғулланишга вақтимиз йўқ, партия аппарати эса сайловларга тайёргарликни олиб бормоқда ва назорат қилмоқда. Бизлар ҳам зўр қийинчиликлар билан ўз вакилларимизни бошқа округга ўтказишга муваффақ бўляпмиз. Натижада айрим округларда аппарат вакиллари, бошқаларида ишчилар овозга қўйилаётир. Бу усулларни халқ қўллаб-қувватламайди, албатта.

Ўртоқ Месяц бу ерда партия аппаратининг ёмонотлиқ қилинаётганлиги ҳақида гапирди. Мана сиз қишлоқ хўжалиги билан шуғуллангансиз, хўш, ҳозир магазинларнинг пештахталари тўлиб-тошиб ётибдими? Кимдир сизни ёмонотлиқ қилаётгани ҳақида гапиришга тилингиз қандай борди?

Ҳар қандай революция почта, телеграфни, хуллас ахборотни қўлга олишдан бошланиши ҳақидаги гап болалигимиздан қулоғимизга қуйиб келинмоқда. Мана ҳозир бутун ахборот партия аппарати қўлида бўлиб, у ахборотдан фойдаланишга уста бўлиб олди. Биз эса жойларда, тўғрисини айтганда, ахборот олмаймиз.

Нотиқ яқинда ишчилар синфи, деҳқонлар, инженер-техник ходимлар вакилларининг Бутуниттифоқ кенгаши яширин тарзда тайёрланганлигини танқид қилди. Аппарат Бош секретарга силлиқланган ахборот беради ва тўғри қарорлар қабул қилинмагани учун унинг ўзини айблайди. Аппаратга жойлардаги ҳамма ишлар яхши бораётир, қайта қуриш жадал суръатлар билан давом этаётир дейиш фойдали албатта. Лекин бундай ҳолда ҳаётдан ажралган ва реал бўлмаган қарорлар қабул қилинади.

Ишчи КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ва Марказий Комитет ишида ошкораликни кенгайтириш зарур, деб ҳисоблайди. Партия демократиялаш талабини биринчи бўлиб олға сурган экан, деб таъкидлади у, демак у биринчи бўлиб қайта қурилиши керак. У ўзини қайта қуришга улгурмаган экан, партияга ишончни камайтираётир. Барча раҳбарларни, шу жумладан Бош секретарни ва Сиёсий бюро аъзоларини партия округлари бўйича тўғридан-тўғри сайлаш керак. Оддий коммунистлар раҳбарга баҳо беришга қодирдирлар.

Биз президентимиз деб атайдиган кишида реал ҳокимият борми? — деб савол қўйди нотиқ. СССР халқ депутатларини биз ўзимиз сайладик, лекин ҳозирча гапдонликдан бўлак ҳеч нарсани кўрганимиз йўқ. Қонунлар кўнгилдагидек изчиллик билан қабул қилинмаётганга ўхшайди. Бу эса кейинчалик реал ҳаётда ўз ифодасини топаётир. Агар Михаил Сергеевичга фақат президентлик фаолияти билан шуғулланиш топширилса, бирор нарсага эришиш амри маҳол бўлади, чунки қабул қилинаётган қарорларни амалга ошириш механизми йўқ. Партия структураси эскириб қолди, партия аппаратини қисқартириш, шаҳарларда район партия комитетларини ва область марказларида шаҳар партия комитетларини тугатиш зарур.

Яқинда биз М. С. Горбачев билан суҳбатлашиб, позицияларни аниқлаб олдик ва куч-ғайратларимизни бирлаштиришга қарор қилдик, деди сўзининг охирида шахтёр. Ишчилар ҳаракати бунёдкор ҳаракат, бинобарин, ўз курсисидан ажралиб қолишдан қўрқадиган аппаратгина ундан чўчиши мумкин.

Республика коммунистлари қатъийроқ ҳаракат қилиш, энг муҳими умумий тўғри мулоҳазалардан конкрет ишларга ўтиш зарур, деган фикрга қўшиладилар, деб таъкидлади КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Я. Я. Вагрис.** Тўғри, шу пайтгача ўзимиз ҳам ана шу муаммоларни партия ва давлат раҳбарлигининг юқори органлари олдига етарли даражада фаол ва аниқ қилиб қўймаганлигимизни ўз-ўзини танқид руҳида тан олишимиз керак.

Энг муҳим умумпартиявий ҳужжатларни иттифоқдош республикалар Компартияларининг вакилларини жалб қилмаган ҳолда Москва кабинетларида тайёрлаш давом этаётганлиги ҳам бизни қониқтирмаётганлигини айтиб ўтиш керак. Хусусан, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастурининг бугун муҳокама қилинаётган лойиҳасини биз биринчи бор шу ерда, рўйхатдан ўтиш пайтида кўрдик. Уни чуқурроқ таҳлил қилиш ва идрок этиш учун эса вақт керак.

Нотиқ қайта қуришнинг энг муҳим мақсадлари орасида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини тубдан янгилаш, барқарор шартнома асосида республикалар мустақиллигини таъминлаш, партиянинг ўзида демократиялаштириш ва қайта қуриш муаммоларини алоҳида кўрсатиб ўтди.

У иттифоқ масалалари устида тўхталиб айтдики, мамлакатнинг бир қатор районларидаги реал вазият республиканинг иттифоқдан чиқиш тартибини белгиловчи қонун зарур, деган фикрни келтириб чиқармоқда. Бундай қонун керакка ўхшаб қолди. Аммо муаммони ҳал этишни, нотиқнинг фикрича, биз ҳамманинг ва ҳар бир кишининг бахт-саодати йўлида қай тариқа биргаликда яшашни ҳамда адолатли, ҳалол яшашни қонун билан белгилаб қўйишдан бошлаш лозим. Шундан кейингина «ажралиб чиқиш» тартибини, мулкларни тақсимлаш ва шу сингарилар тартибини белгилаш керак. Партиянинг бурчи — миллатларнинг тўла ҳажмида ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини сўзсиз тан олган ҳолда албатта реализм, собитқадамлик позициясида туришдан ва сепаратизм тенденциясига қарши курашишдан иборатдир. Бирликнинг мустаҳкам ички омилисиз, бир-биридан манфаатдор бўлмасдан туриб демократик ҳуқуқий жамият ва давлат қуришнинг имконияти йўқ. Афсуски, КПСС Марказий Комитети ҳаракат дастурининг лойиҳасида иттифоқнинг янги манзараси унча аниқ белгиланмаган. Шу сабабли нотиқ иттифоқ тўғрисида қонунни ёки иттифоқ тўғрисидаги янги шартномани КПСС XXVIII съездигача ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур деб ҳисоблайди.

Туб иқтисодий ислоҳот ҳақида гапириб нотиқ эътиборни шунга қаратдики, интеграция жараёнларининг федерациямизни янгилаш ва мустаҳкамлашнинг иқтисодий негизи — бевосита шартномалар, корхоналар ўртасида, республикалар ва регионлар ўртасида шартнома алоқалари, умумиттифоқ бозорини вужудга келтиришдан иборат бўлиши кераклиги ҳақидаги гаплар неча йиллардан бери барча минбарлардан айтиб келинмоқда. Аммо республика билан марказнинг иқтисодий муносабатлари эквивалентли эмаслиги, СССР қонунларига ва хусусан Болтиқбўйи республикаларининг иқтисодий мустақиллиги ҳақидаги қонунга зид эканлиги ҳақида ҳам тез-тез гап бўлиб турибди. Нотиқ ўз фикрини асосан ташиб келтириладиган омихта ем ҳисобига гўшт ва сут етиштиришга ихтисослашаётган ва бундан ҳосил қилинган маҳсулот билан ҳисоб-китоб қилаётган Латвия мисолида шарҳлаб берди. Бунда ўзаро иқтисодий манфаатдорлик ўзаро етказиб бериладиган маҳсулот ҳажми ҳақидаги барқарор ва узоқ муддатли шартнома асосида қурилади. Нотиқ, унинг назарида, ҳамон ана шундай шартнома тузишдан бўйин товлаётган СССР ҳукуматини танқид қилди. Бунинг устига у ўзига хос жарима солади, республикага ажратилаётган ем ҳажмини бир томонлама тартибда кескин камайтиришни давом эттиради, бу эса чўчқалар ва гўштбоп паррандaнинг камайишига муқаррар олиб боради.

Бинобарин, республика иттифоқ тасаруфига гўшт ва сут топширишни тўла ҳажмда бажара олмайди, бу гап биринчи навбатда Ленинградга тааллуқли бўлиб, республика билан иттифоқни ноўрин қарама-қарши қўйишларни келтириб чиқаради. Нотиқ бу масала сиёсий тус олаётганлигини айтди, чунки Болтиқбўйи ўз мажбуриятларини бажаришни «истамаётгандек» туюлиши мумкин.

Давлатнинг гўшт ва сутга буюртмасини таъминлашдан ҳукумат ва республиканинг ўзаро манфаатдорлиги — хўжалик юритишнинг янги шароитидаги иқтисодий ўзаро муносабатларни қайта қуришнинг принципиал муаммосидир. Бунда биз КПСС Марказий Комитети ҳаракат дастури лойиҳасининг марказда федерацияга кирувчи республика халқларининг туб манфаатларидан фарқ қиладиган алоҳида манфаатлари йўқ, деган тезисга асосланамиз.

Нотиқ партиянинг ўзида чуқур ўзгаришлар ўтказилишидаги сусткашлик уни сиёсий турмушнинг четига чиқариб қўйиш хавфини туғдиради, деган фикрни тўла-тўкис қўллаб-қувватлади, партия сиёсий жараёнларнинг ана шу пўртанали оқимида рўй берган сиёсий воқеаларни қайд қилиш билан эмас, балки дадиллик билан олға назар ташлаш ва истиқболга тайёрланиш қобилияти билан қарор топа олади, деб ишонч билдирди.

Нотиқ Совет Латвиясида кўп партиялилик муаммоси назариядан чуқур амалий муаммога айланганини айтди. Латвия Компартияси ҳозироқ кўп партиялилик шароитида иш олиб бормоқда. Маҳаллий ҳокимият органлари ва Латвия ССР Олий Совети сайлови, хусусан, турли сиёсий кучларнинг жиддий беллашуви шароитида ўтаётир. Агар биз ҳуқуқ ҳукмронлик қиладиган ва халқ ҳокимияти принципи ҳақиқатан амал қиладиган демократик ҳуқуқий давлат қуришни истасак, деди Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, партия парламент фаолиятининг алифбесини мумкин қадар тезроқ ўрганиб олиши керак, бу фаолият эса бошқа омиллар билан бир қаторда сиёсий шерикликка, социал ва миллий сулҳга, амалий ва оқилона муроса санъатига ҳам асосланади.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари мақомини ошириш, уларга КПСС раҳбарлигининг олий органларида кафолатли ваколатни таъминлаш ҳамда ўз ички турмушининг барча масалаларини ҳал этишда тўла мустақилликни таъминлаш ҳақидаги таклиф тўла-тўкис қўллаб-қувватланиши керак, деб таъкидлади у.

Партияни демократиялаш, уни инсонпарварлик ва демократик социализм принципларига амал қила оладиган ташкилотга айлантириш, деб таъкидлади нотиқ сўзининг охирида, фикрлар хилма-хиллигини, фикрларни ифодалаш эркинлигини ва турли нуқтаи назарларни ҳимоя қилишни тақозо этади.

КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Совети Қурилиш ва архитектура масалалари комитетининг раиси **Б. Н. Ельцинга** сўз берилди. Ҳозир партия танглик ёқасида турибди, деб таъкидлади у. Жумладан, Марказий Комитетнинг ҳозирги состави ҳам ўзининг ақидаларга берилганлиги билан, партияни демократиялашдаги сусткашлиги ва қатъиятсизлиги билан, ўзини ўзи қайта қуришни истамаслиги билан партияни шу чизиқ ёнига келтириб қўйди. Партия ҳокимиятни узоқ вақт монополия қилиб олганлиги уни бюрократик ташкилотга айлантириб қўйди. Мана шу ташкилот мамлакатни ночор аҳволга, халқни, ўн миллионлаб кишиларни эса қашшоқликка келтирди. Мана шунинг учун жавоб бериш керак. Одат бўлганидек, биринчи шахс эмас, балки партия Марказий Комитетининг состави жавоб бериши, Сиёсий бюронинг аъзолари, Сиёсий бюро составидаги ҳар бир киши ўзига топширилган у ёки бу иш соҳаси учун жавоб бериши керак.

Бугун айтишганидек, партия тобора кўпроқ ўз нуфузи ва обрў-эътиборидан маҳрум бўлмоқда. Эҳтимол, унинг охирги имконияти қолаётгандир. Партияни янги демократик асосда чинакамига тубдан янгилаш лозим. Янги дастур лойиҳаси (кечроқ тақдим этилган бўлса ҳам) эскича руҳда тузилган ва унда ҳеч қандай янгилик йўқ, деб бўлмайди. Янгилик, баъзи позицияларда эса илғорлик ҳам бор. Аммо умуман уни икки қўл: ўнг ва сўл қўллар ёзган, деган таассурот туғилмоқда. Мана шу ёзиш пайтида доимо гоҳ у қўлга, гоҳ бу қўлга ён бериб, уларни бир амаллаб келиштиришга уриниш бўлганлиги сезилади.

Нотиқ ўзининг шахсий позициясига асосланиб, шунингдек партия клублари ва партия ташкилотларининг январь ойида ўтказилган Бутуниттифоқ конференцияси декларациясига таяниб, бир қанча мулоҳазаларни айтди.

Биринчиси. Демократик централизм қоидасидан воз кечилиб, у партияда чинакам кўп фикрлиликни, озчилик ҳуқуқларининг кафолатини, фикрлар эркинлигини, партия аъзоси ўз позициясини ҳимоя қилишини, шахснинг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайдиган умумдемократик қоидалар билан алмаштирилсин.

Иккинчиси. Ҳокимият қуроли сифатида аппаратдан воз кечилсин, партияда сайлаб қўйилган органларнинг ва бошланғич партия ташкилотлари секретарлари кенгашларининг кучи билан ўзини ўзи бошқаришнинг демократик қоидаларига ўтилсин.

Учинчиси. Бир партиялиликни ҳимоя қиладиган партиядан, кўп партиялиликка йўл қўядиган, партиялар ва жамоат ташкилотлари тўғрисидаги қонун асосида ишлашга тайёр бўлган партияга ўтилсин. Халқ депутатлари съезди — олий орган бўлиб, КПСС ҳам бошқа партиялар каби қонун йўли билан унга ҳисобот берадиган бўлиши керак.

Тўртинчиси. Расмий якдиллик қоидасидан воз кечилсин ва позициялар, оқимлар, ҳаракат дастурлари хилма-хиллиги ва фракциялар мустақиллиги тан олинсин, фракцияларнинг вакиллари съездларда ва партиянинг сайлаб қўйилган органларида мутаносиб тарзда қатнашадиган бўлсин.

Бешинчиси. КПСС Марказий Комитети Қонун лойиҳасини таклиф этиш ҳуқуқидан фойдаланиб, СССР Конституциясининг 6-моддасидан ўзи воз кечиши аниқ таърифлаб берилсин.

Олтинчиси. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларини тузиш билан бир қаторда, партияда горизонтал тузилмага, яъни коммунистларнинг тармоқ, вазифа ва территориал қоидаларга мувофиқ бирлашувига аста-секин ўтилсин.

Еттинчиси. Съездга, конференцияларга, маҳаллий ва марказий идораларга сайлов, раҳбарларни, шу жумладан партиянинг олий раҳбарларини сайлаш партиянинг территориал округлари бўйича бошланғич ташкилотлардан муқобил асосда, тўғри, яширин, тенг ўтказилсин.

Саккизинчиси. Партиянинг оммавий ахборот воситалари фақат съездга ёки партия конференциясига бўйсундирилсин. Газета, журналнинг, телевидение редакциясининг бош муҳарририни ишда қолдириш ёки ишдан бўшатиш ҳақидаги қарор партия комитетлари секретарларининг кайфиятига боғлиқ бўлиши ярамайди. Номенклатурадан, сараликдан воз кечилсин, маҳаллий Советларнинг ёки халқ депутатлари съездининг ҳуқуқ доирасига мансуб лавозимлардаги раҳбарларни тайинлаш ёки сайлаш масалаларига аралашилмасин. Партиядаги ҳар қандай имтиёзлардан воз кечилсин.

Тўққизинчиси. Партия бюджетини вужудга келтириш ва сарфлаш қуйидан бошланиб юқорига чиқадиган қарорларга мувофиқ қилинсин, бошланғич партия ташкилотлари томонидан истисносиз ҳамма харажатларнинг қаттиқ назорат қилиниши йўлга қўйилсин. Нотиқнинг фикрича, бадалларнинг миқдори ҳам камайтирилиб, уларнинг кўпчилик қисми бошланғич партия ташкилотларида қолдирилсин.

Ўнинчиси. Давлат ва шунга мувофиқ равишда КПСС тузилишининг унитар қоидасидан халқларнинг ихтиёрий иттифоқига ва республикалар Компартияларининг, шу жумладан Россия Компартиясининг ихтиёрий иттифоқига ўтилсин, КПСС Марказий Комитетининг Россия бюроси тугатилсин. Марказий Комитетнинг ҳозирги состави, эҳтимол, партияда 4-5 йил кечикиб қолган халқчил, туб янгиланишни чинакамига ўтказа олмайди, унинг ҳаракат дастури қайта кўриб чиқилиб, сайлов ва съезд ўтказилсин, деб ҳисоблайман, деди нотиқ. Тоқатсизлик, ишончнинг йўқолиши жараёни бошланиб кетди ва уни кузгача тўхтатиб қолиш амри маҳол. Нотиқ съездни май-июнга кўчириш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлади. Бунинг учун бошланғич ташкилотларнинг вакиллиги турли ҳаракат дастурлари асосида XXVIII съездга тайёргарлик кўрувчи ташкилот комитети тузилсин ва съездни ўша вақтда ўтказиб, унда партиядаги, сиёсатдаги, идеологиядаги, жамиятдаги танглик вазияти муҳокама қилинсин ва партияни янгилашнинг ўзгартирилган ҳаракат дастури қабул этилсин.

(ТАСС).

(Давоми келгуси сонда).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг

Идеология комиссиясида

Фарғонада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Идеология комиссиясининг сайёр мажлиси бўлди. Мажлисда область партия комитетларининг идеология ишлари билан шуғулланувчи секретарлари, шунингдек Фарғона областидаги шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари иштирок этдилар.

Мажлисни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов олиб борди.

Мажлисда Тошкент шаҳар партия комитетининг норасмий ташаббускор бирлашмалар аъзолари билан олиб бораётган амалий иши муҳокама қилинди. Ўзбекистон пойтахтининг шаҳар партия ташкилоти ўзининг гражданларнинг ташаббускор бирлашмалари билан олиб борадиган ишида жамоатчиликнинг барча соғлом кучларини бирлаштиришга асосланаётганлиги айтиб ўтилди. Кўпгина норасмий ташкилотлар ва ҳаракатларнинг раҳбарлари билан бевосита алоқа йўлга қўйилди. Партия, совет, комсомол фаоллари аҳолининг турли ижтимоий группалари билан якка тартибда ва оммавий тушунтириш ишлари олиб боришга сафарбар этилди. Норасмий ташкилотлар билан иш олиб борувчи тарғиботчи ва сиёсий группалар ташкил этилди.

Идеология фаолларининг куч-ғайратларини мувофиқлаштириш, бошланғич партия ташкилотларига ёрдам бериш учун бир қанча структуравий бўлинмалар: студентлар шаҳарчасини ижтимоий ривожлантириш масалалари билан шуғулланувчи мувофиқлаштирувчи кенгаш, студентлар ва ишчилар ётоқхоналарида иш олиб борадиган район кенгашлари ва шу сингарилар тузилди.

Буларнинг ҳаммаси Тошкент шаҳридаги ижтимоий-сиёсий вазиятни маълум даражада барқарорлаштириш, маънавий-психологик муҳитни соғломлаштириш учун шарт-шароит яратиш имконини берди.

Бироқ, дейишди комиссия аъзолари, шаҳар партия комитети ишида анчагина камчилик ва нуқсонлар бор. Партия фаолларининг ҳаммаси ҳам норасмий ташкилотлар вакиллари билан олиб бориладиган ишларда ташаббус кўрсатаяпти, деб бўлмайди. Бу ишда жамоат ташкилотлари: хотин-қизлар кенгашлари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашлари, байналмилалчи жангчилар комитетларидан самарали фойдаланилмаяпти. Шаҳар партия комитети рухсат берилмаган митинглар ўтказилишининг олдини олиш пайтидагина энг кўп даражада фаоллик кўрсатишдан иборат яроқсиз практика ҳамон кўзга ташланмоқда.

Комиссия мажлисида Тошкент шаҳар партия ташкилотининг иш тажрибаси ўрганилганлигини ҳисобга олиб, республика партия комитетларига норасмий ташаббускор ташкилотлар билан олиб бориладиган ишларни такомиллаштиришга оид бир қанча тавсиялар берилди. Идеология ходимларининг ана шундай ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини яхшилаш муҳимлиги таъкидланди. Бу борада норасмий бирлашмаларнинг раҳбарлари билан учрашувлардан тортиб шаҳар партия ва комсомол комитетлари, «Билим» жамиятлари, маданият уйлари ҳузурида, корхоналарда мунозара клублари ташкил этишга қадар турли иш шаклларидан фойдаланиш зарур.

Мажлисда, шунингдек Ўзбекистон халқларининг «Мерос» тарихий ва маданий бойликларини ўрганиш, сақлаш ва тарғиб қилиш программаси муҳокама қилинди ва маъқулланди, бошқа бир қанча масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Компартиясининг 1990—1995 йилларга мўлжалланган идеология ишлари концепцияси лойиҳаси дастлабки тартибда муҳокама қилинди.

(ЎзТАГ).

Муҳаррир
А. Ғ. МУХТОРОВ.

Р. — 04074. № 32. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12